

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2022-yil 27-may / № 18 (4677)

Рустам ПАРДАЕВ,
Сурхондарё вилояти
Қизирик тумани ҳоқими

ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАГАН ДИЁР



Она юртимиз — Ўзбекистон чиндан-да жаннатмонанд, илҳомбахш диёр. Йилнинг тўрт фасли ҳам инсонга чексиз завқ-шавақ бағишлайди. Эрта баҳордан Наврўзи олам ташрифи билан бошланадиган шодиёналар ойлаб давом этади. Қадим-қадим замонларда Қизирик ва Бандихон дашт-

ликлари баҳор келиши билан сабза урган ўт-ўланлар, гулу чечаклар ҳам юракка от чоптириб кирган ҳис-туйғулардай ғоятда мафтункор. Чорвадорлар яйловга кўчиб ўтиб, юзлаб ўтовлар тикишган. Кўй-кўзиларнинг маъраши, отларнинг дупури, болаларнинг шодон қийқириги поёнсиз кенгликлар бўйлаб янраган. Бандихон, Қизирик, Тангимуш кенгликларидан ўтказилган кўпқарига Бухоро, Қашқадарё, Туркманистон, Афғонистон музофотларидан чавандозлар келишган. Номдор полвонларнинг беллашувлари, хотин-қизларнинг ўланлари, бахшиларнинг айтишувлари, сумалак сайиллари туну кун давом этган.

Бахшиларнинг таъкидлашича, Алпомиш ва унинг дўстлари ана шу кенгликларда от чоптириб, кураш тушиб чинқишган.

Яратилганига минг йилдан ошиқроқ вақт бўлган "Алпомиш" дostonи бунга гувоҳ. Дostonдаги Ҳовдақ, Ойнабулоқ, Таллашқон, Бектепа ва бошқа кўплаб манзиллар айнан Қизирик даштликлари ҳудудидан экани барчамизга ифтихор бағишлайди.

Белоён Қизирик даштлари Қумқўрган чегарасидан Амударёгача бўлган беҳад кенг ҳудуддан иборат. Табиий озқаси мўллиги туйғули бу даштликда жазирама ёзда ҳам чорвадорлар истикомат қилган,

куз ва қиш фаслларида эса кўпқари, олиш, бахшилар бадиҳағўйлиги авжга чиққан. Хуллас, бу ерларнинг дашти ҳам, тоғ-тоши ҳам, янтоғу буталари ҳам, умуман, тупроғининг ҳар бир зарраси илҳомбахшдир.

Буюк адбимиз Ойбек: "Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди. Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор", деганда айна ҳақиқатни айтган.

Баъзан "Қизирик дегани тош-тупроғи кизиби ётган,

еру осмони ланғиллаган чўғ-оташ даштликдан иборат бўлса-ю, шундай жойдан ҳам ижодкорлар чиқарканми?" деб писанда қилишади. Шундай кезларда Алпомишларга бешик бўлган бу гўшанинг бетакорр жиҳатларини айтиб, фикримиз турли мисоллар билан далиллайман. Тўғри-да, юртимизнинг она табиати шоиру ёзувчи, санъаткор олимларга бешиқдир.

Мустақиллик йилларида одамларнинг ижодий фаоллиги ошгани туйғули, эркин ижод учун, миллий кадрларимизни, маънавиятимизни, барчамизга ғурур бахш этадиган бой тарихимизни, халқимизнинг бугунги тинч ва фаровон ҳаётини ҳаққоний акс эттириш учун беқиёс имкониятлар яратилди. Хусусан, Қизирик туманидан ҳам адабиёт, санъат, журналистика соҳасида ўз иқтидорини намойён этиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлаётган ёшларимиз сони тобора кўпаймоқда. Айниқса, мустақилликдан кейинги йилларда туман ёшлари орасидан ўнлаб-юзлаб ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият намояндalари, тадбиркор ва ишбилармонлар, истеъдодли санъаткорлар, спортчилар етишиб чиқди.



ВАТАН ДОВРУҒИНИ ТАРАТИБ

Бухоро азалдан хунармандлар шахри сифатида машҳур бўлиб келган. Ҳозир ҳам қўли гул хунармандлар томонидан яратилган зардўзи буюмлар нафислиги, ўзига хослиги билан доврўғ таратмоқда. Бухоролик зардўзлар яратган санъат дурдоналари чет давлатлар ва Ўзбекистонда ўтказиладиган амалий санъат кўргазмаларида намойиш этилиб, муносиб тақдирланган. Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги "Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган халқаро тадбир халқ амалий санъатининг зардўзлик ва заргарлик аъёнларини ривожлантириш, уларнинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш орқали халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий аъёнлар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш, қайта тиклаш ва минтақанинг туризм салоҳиятини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Фестивалда республикамизда фаолият юритаётган уста-хунармандлар билан бир қаторда хорижий давлатлардан зардўзлик ва заргарлик фаолияти билан шуғулланадиган маҳоратли хунармандлар, ўз брендига эга ташкилотлар, соҳа олимлари, фахрий

меҳмонлар ҳам иштирок этдилар. Махсус ташкил этилган савдо кўргазмаларида беш қитъадан келган уч юзга яқин маҳаллий ва хорижий хунармандлар маҳсулотлари билан иштирок этдилар. "Лаби ҳовуз" ансамблидан "Арқ" кўрғонигача бўлган ҳудудда кўнгило-чар байрам дастурлари бўлиб ўтди. Тадбир доирасида "Миллий каштадўзлик санъати" фестивали ҳам ташкил этилди.

"Халқаро зардўзлик ва заргарлик" ҳамда "Миллий каштадўзлик санъати" фестиваллари доирасида Бухоро шаҳрида "Малика Султон" зардўзлик ва хунармандчилик марказининг тақдимот маросими ўтказилди. Маросимда Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши президенти Саад-ал Қаддуми иштирок этди.

Зардўзлик марказининг очилиши фестивалнинг муҳим лойиҳаларидан бири бўлиб, бутун дунёда зардўзлик санъати ватани дея эътироф этилган Бухорода шу вақтга қадар ушбу хунар турига бағишланган алоҳида марказ йўқ эди. Тадбиркор ва уста зардўз Маҳфуза Салимова томонидан ташкил этилган маъруз марказ зардўзлик устaxonаси, ушбу маҳсулотларнинг тарихий ва замонавий сара намуналарини ўзида жамлаган музей-галереядан иборат. Келгусида бу ерга ташриф буюрувчиларга қадим санъат тури тарихи, бугун ва ривожланиш босқичлари ҳақида батафсил маълумот берилади.



БУЮК КЕЛАЖАК САРИ



Юртбошимиз АҚШ ва Россияга сафари чоғида хорижда илмий-амалий фаолият олиб бораётган ўзбекистонлик мутахассисларни юртимизга қайтиб, ўз ватандошларига хизмат қилишга чақирган ва улар учун барча шароитлар яратилиши таъкидлаган эди. Хайрли ташаббус исзис кетмади. Айрим соҳаларда, хусусан, тиббиётнинг кардиожарроҳлик йўналишида қўлга киритилаётган ютуқларда хориждан қайтган мутахассислар барча турдаги мураккаб операциялар амалга оширилмоқда ва улар сифат жиҳатдан дунёнинг кардиожарроҳлик йўналишида илғор клиникалардаги амалиётлардан қолишмайди. Ўзбекистонлик кардиожарроҳлар ҳатто юракни кўчириб ўтказиш операцияларини амалга оширишга ҳозирлик қўришаётгани айтилмоқда.

— Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги маркази мутахассислари Россияда биринчилардан бўлиб ишлаб турган юракда жарроҳлик амалиёти ўтказишган, — дейди тиббиёт фанлари доктори Алишер Меликулов. — Биз ишлаб турган юракда юрак аневризми сини таъмирлаш методига патент олган устоз кардиожарроҳлардан бу амалиётнинг барча сир-асрорларини ўзлаштирганмиз. Бугун Ўзбекистонда бундай операцияларни ўтказиш-

ят олиб борди. 2009 йилда "Ишлаб турган юракда конвенсия ҳолатларини ўрганиш" мавзусида номзодлик, 2018 йилда "Юқори хавфли гуруҳларда аорта-коронар шунтлаш операцияларини ўтказиш" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Бир мунддат Германиянинг Лейпциг шаҳридаги дунёга машҳур хирургия марказида малака оширди. Таниқли юрак трансплантологлари таркибидан ўндан зиёд юрак трансплантаци-

НОЁБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

га қодир мутахассислар етарли. Юртимизда юракни кўчириб ўтказиш амалиётларига ҳам рухсат берилса, жамоамиз билан бундай операцияларни ўтказишга тайёرمىз. Моддий-техник база мустаҳкам, мутахассислар малакали ва биз бу вазифани урдалашимизга ишонамиз. Ана шунда юрагидан шикоятни бор ҳамюртларимизнинг чет элларда сарсон бўлиб юришларига чек қўйилади.

Дароқе, Алишер Меликулов 2004 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини битириб, Москвадаги Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги марказида ординатура босқичини ўтаган. Таҳсилдан сўнг устозлари уни аспирантурада олиб қолишди ва у 15 йил хорижда илмий-амалий фаоли-

яси операцияларида фаол иштирок этди. Хорижда ўзи ҳам мустақил равишда мингдан зиёд юрак жарроҳлигини муваффақиятли амалга оширди. Президентимизнинг юқори малакали ватандошларни Ўзбекистонга қайтариш дастурига асосан жамоаси билан ўз юртига қайтганидан буён у беш юзга яқин коронар шунтлаш операциясини ўтказди ва бирорта ҳам ўлим ҳолати қайд этилмади. Ўзи билан Бакулевда ўқиб, етуқ олимлардан сабоқ олган тажрибали мутахассислар жамоаси ҳамкорлигида юртдошларнинг соғлигини тиклашга хизмат қилаётган кардиожарроҳ айна вақтда шоғирдлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратган.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Ижодкорлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиш, кино ва сахна асарлари яратишдек маънавий-маърифий, илмий-ижодий соҳаларда юқори натижаларга эришган олий таълим муассасалари ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган "Илҳом" мукофоти республика танловининг бу йилги ғолиблари аниқланди.

Учинчи ўрин совриндори Қорақалпоқ давлат университети докторанти Замира Айимбетова ўн беш миллион сўм, иккинчи ўрин соҳибни Жиззах давлат педагогика институтини талабаси Ҳафиза Мухторова ўттиз миллион сўм пул мукофоти, биринчи ўрин ғолиби Жамоат хавфсизлиги университети курсанти Шуҳратжон Муҳаммадхон "Spark" автомашинаси билан тақдирланди. Яна олти нафар талаба рағбатлантирувчи мукофот эгаларига айланган.

Германияда "Бобурнома"нинг янги, тўлдирилган нашрини чоп

этиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида асарни нашрга тайёрлаган германиялик бобуршунос Хелмут Далов билан учрашув бўлиб ўтди. Хорижлик мутахассис нашрнинг тарихий аҳамияти, мазмун-мундарижаси, ўзига хос жиҳатларига алоҳида тўхталар экан, уюшма раисини жорий йилнинг октябрь ойида Германияда бўлиб ўтадиган китоб тақдиротида тақдир қилди.

Республика ёш ижодкорлар аънавий Зомин семинарининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Хива шаҳридаги Оғаҳий номидаги ижод мактаби мезонлик қилган семинарда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, адиллар қатнашди. Воҳа ёшлари шеър, ҳикоя, бадиий публицистика, адабиётшунослик, болалар адабиёти, бадиий таржима йўналишларида ўз маҳоратларини синаб кўрди. Устоз ёзувчи, шоирлар улارга ижодий йўл-йўриқ ва тавсиялар беришди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ёшлар тарбиясига масъул раҳбарлар фаолияти натижадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган "Талаба ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш" мавзусидаги ўқув-семинар Адиллар хибобонидаги Абдулла Орипов ҳайкали ёнида давом эттирилди. Тадбирда "Шарқ юлдузи" — "Звезда Востока" журналлари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Сирожиiddин Рауф устоз шоир ҳақидаги хотираларидан сўзлаб берди.

Сўнг Ёзувчилар уюшмасида таниқли адиллар билан ижодий учрашув бўлди. Ўзбекистон халқ шоирлари ва ёзувчилари Сирожиiddин Саййид, Усмоён Азим, Эркин Аъзам, шоир Шодмонкул Салом бугунги адабий жараён, ёшлар ўртасида китобонлиқни тарғиб қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

ТУПРОФИДА ОЛТИН ГУЛЛАГАН ДИЁР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ёдимда, 2016 йил мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити иштирокчилари учун катта концерт ташкил этилган. Ана шу концертда Сурхондарё вилояти Қизилқум туманида туғилиб ўсган ёшгина операчи йигит Самандар Алимов ўз маҳорати билан ҳаммани лол қолдирганди. Ўзи оддий оиладан чиққан, Тошкентда Консерваторияда ўқиб, таълим олган. Алишер Навоий номидаги академик катта театрининг солистлигидан Ўзбекистон халқ артисти даражасига кўтарилган Самандарга ўхшаган йигит-қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, бундай иқтидорли ёшларни ҳар қанча қўллаб-қувватласак кам. Мен шундай ёшларимизни кўрганда, авваламбор, уларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналари, устоз-мураббийларига, парвозига мадад берган эл-юртимга бош эгиб таъзим қиламан, ўзимни порлоқ келажак қаршида тургандек ҳис этман. Бундай истеъдодли ўғил-қизларимиз нафақат биз қизилқумликларнинг, балки воҳамиз аҳлининг ҳам қалбига чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Мустиқиллик йилларида қизилқумлик Абдуназар Поёнов, Хушбўқ Мардонқулов ҳамда уларнинг шогирди Сафар Шайдилов Ўзбекистон халқ бахшиси унвони билан тақдирландилар. Истеъдодли ёшларимиздан Муҳаммади ҳамда Гулбой бахшилар ҳам бугунги кунда эл аро довуқ қозониб бормоқда. Қизилқумлик Севара Мусаева, Вероника Володина эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. Бугунги дорилмон замонни ифтихор билан тараннум этишдан чарчамаётган журналист ва ёзувчилар Абдурасул Жумакулов, Чори Алимов, Жовли Хушбоқов, ёзувчи-драматург Эркин Нурсафар ўғли, бахши-шоир Карим Малла-

ев, журналист ва адиб Йўлдош Мирзаев ҳам шу тумандан етишиб чиққан. Наргиза Одинаева, Қурбонгул Эгамбердиева, Саида Норматова, Соҳиба Самадова, Лобар Отамуродова, Дилафрўз Шарипова сингари ўнлаб шоира қизларимиз аллақачон вилоят ва республика миқёсида танилиб, китоблари шеърият мухлисларига етиб борди.

Бундай ижодкорларнинг етишиб чиқишида, туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини кенг ёритишда, аҳолининг қувонч ва ташвишларига яқин шерик бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилишда туман аҳлининг сеvimли наشري бўлган "Тараққиёт" газетасининг хизмати катта. Жорий йилнинг май ойида ушбу газетанинг республика-мизнинг нуфузли мукофотларидан бири бўлган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиби бўлгани замирида тажрибали ва маҳоратли журналист ва публицист газета бош муҳаррири Чори Алимов бошлиқ жамоанинг машаққатли ва ҳалол меҳнати ётибди, албатта.

Мазкур газетанинг ҳар бир сониди ёшларнинг шеърий машқлари, ҳикоялари мунтазам чоп этилмоқда. Айниқса, таҳририят томонидан туманимиз, қолаверса, бошқа ҳудудларда яшаб ижод қилаётган тумандош ижодкорларнинг назмий ва насрий асарларидан иборат "Илҳомбахш диёр" деб номланган тўплам нашрга тайёрлангани таҳсинга лойиқ. Асарлари мазкур китобга киритилган ижодкорларнинг ҳам, ижод бўстонида эндигина кириб келатган ёшларнинг ҳам бир кун, албатта, етук ижодкор бўлиб етишишларига ишонаман.

Яқинда туманимизда муҳтарам Президентимизнинг беш муҳим ташаббуслари доирасида катта Китоб байрами бўлиб ўтди. Байрамда туманимиздан чиққан бахшилар дўмбирани чунонам сайратдилар... Ёш ижодкорларнинг мушоираси қизигандан-қизиди. Айниқса, Китоб бай-

рамига келган болалар, ўқувчи-ёшлар ва нурунийларнинг хурсандчилигини айтмай-сизми? Пойтахт наشريётларидан жами 50 миллион сўмга яқин турли бадий китоблар олиб келиниб, барча таълим муассасаларига беғараз етказиб берилди. Энг муҳими, барча ёшдаги юртдошларимизнинг қизиқишларига мос бадий адабиётлар тарқатилди.

Туманимизда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида гуллар байрами, қушлар байрами, хунармандлар танловларини ўтказиш анъана тусини олиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу йил ўтган XX асрнинг иккинчи ярмида қадимий даштнинг ўзлаштириш учун келган чўлқуварлар меҳнати туфайли Қизилқум туманининг ташкил топганига 47 йил бўлади. Ҳозирги пайтда 117 мингдан ошқ аҳоли истиқомат қилаётган ушбу туман мустиқиллик йилларида чинакам обод, ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган гўшага айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қизилқум туманини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. Қизилқумликлар мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган бекиёс бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчисига айландилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда: "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюқ тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг ижодкорларимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюқ келажакимиз, буюқ адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади", деб ишонч билдирган эди. Ана шу буюқ адабиёт ва санъат намоёндалари орасида қизилқумлик ижодкорлар ҳам бўлади, албатта.

Замонавий жаҳон шеъриятида ўз овозига эга америкалик албан шоири Жек Маринанинг шеърлари инсон онг-шуурига яширинган, ўзлики ва ўзгани англашга қўмак берувчи ҳис-туйғуларга бой шеърият. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоирнинг илк бор ўзбек китобхоналарига тўплам ҳолида тақдим этилаётган "46 саҳифа" номли китоби тақдироти бўлиб ўтди.

ажаралиб туради. Бугун жаҳонга ўзини намоён этаётган Янги Ўзбекистоннинг интилишларини кўриб айтиш мумкинки, унинг келажаги порлоқ.

Жек Маринани таниқли ўзбек адиби Қўчқор Норқобил Марказий Осий давлатлари ижодкорлари орасида биринчи бўлиб АҚШнинг халқаро "Женима" мукофотида сазовор бўлганини эътироф этаркан, ушбу мукофот таъсис этилган 2004 йилдан буён

алоқалар ривожига тутган ўрни, соҳадаги ютуқлар ҳамда Одил Икром ва Мирзохид Музаффар таржимасидаги шеърлар жамланган мазкур тўплам бадийоти ҳақида сўз юритдилар.

— Ҳар бир инсоннинг олдида қизил чизик бўлади, — деди Жек Маринани адабий танқид хусусида фикр юритар экан. — Бу холислик, ростгўйлик, ижодкор этикаси каби жиҳатлар билан бевосита боғлиқдир. Адабий асарни таҳлил қилганда ана шу қизил чизикдан ўтиб кетиш

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР МЕВАСИ



— Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётида ўзига хос ўринга эга, — деди тадбирда иштирок этган Жек Маринани. — Ташрифим давомиди Самарқандга бордим. Амин бўлдимки, меҳмондўстликда, санъатда, озодалликда, оиллага муносабатда Ўзбекистон дунёга намуна бўлишга арзийди. Ўзбек шоир ва ёзувчилари ижоди ҳам залворли, кенг қамровлилиги билан

адабиёт намоёндалари тақдирланган Гватемала, Англия, Венгрия, Канада, Россия, Албания сингари йигирмага яқин давлатлар қаторидан Ўзбекистон ҳам жой олган таъкидлади. "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмадхон Мелибоев, адабиётшунослар Адхамбек Алимбеков, Зуриддин Исомиддинов, шоирлар Хосият Рустам таржимачилигининг ўзаро адабий

асло мумкин эмас. Акс ҳолда, олим ёки танқидчининг барча билдирган фикрлари унинг ўзига қарши ишлай бошлайди.

Учрашув сўнгги адабиёт ихлосмандлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган "46 саҳифа" китоби билан яқиндан танишдилар.

Шухрат МЕНГЗИЁЕВ

МУСИҚИЙ МЕРОСГА ЭҲТИРОМ

Сўнгги йилларда миллий муסיқамизга, айниқса, мақом санъатига эътибор кучайди.

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институтида Маданият вазирлиги, Ўзбек миллий мақом санъати маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган "Академик Юнус Ражабий мероси ва замонавийлик" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Халқаро миқёсда ташкил этилган ушбу тадбирда АҚШдан — Ўзбекистон халқ артисти Изро Малаков, Рубин Рушан, Тожикистондан — муסיқашунос олим Аслиддин Низомов, Озарбайжондан — Мубарис Элиев ва бошқалар онлайн тарзда иштирок этдилар.

Анжуманда Ҳ.Ражабий, С.Бегматов, О.Иброҳимов Юнус Ражабий қолдирган улкан маданий-илмий мерос ҳақида сўзладилар.

ҚАРДОШЛАР ДИЁРИДА

Яқинда бир ғуруҳ андижонлик ижодкорлар Қирғизистон Республикаси Боткен вилояти Лайлак туманида улуг қирғиз оқини Қурбонали Собиров таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабиёт кўнралида иштирок этдик.

Қардош юрт ижодкорлари ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда шоир мангу кўнин топган масканни зиёрат қилдик, маданият саройида, шоир ўқиган мактабда ўтган тадбирларда қатнашдик, ўзбекистонлик ижодкорларнинг саломларини етказиб, китоблар совға қилдик.

Сафар давомиди сўнгги тўрт-беш йил-

да мамлакатимизда яқин қўшнилари билан алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилгани, ўзбек-қирғиз муносабатлари дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик руҳида мустақамланиб бораётгани, ўтмиши ва келажаги бир, бир ариқдан сув ичиб, бир дастурхонда борини баҳам кўрган, қадриятларини эъзозлаб келган икки халқнинг бирлиги, дўстлигини мустақамлашга, қадриятларини тиклашга эришилаётгани қайта-қайта эътироф этилди.

Лайлак туманининг музейлари ва диққатга сазовор масканлари билан

танишдик. Шеърхонлик бўлди, янги ижодкор дўстлар орттирдик, икки халқ адабиёти ва адабий алоқаларини, ижодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустақамлаш хусусида фикр алмашдик. Гузал ва маъруза табиати, адабиёт ва санъатга ошно, меҳмондўст ва бағрикенг халқи билан бизда бир олам таассуротлар қолдирган қардошлар диёридан янги режалар билан жонажон юртимизга қайтдик.

Ҳабиб СИДДИҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



БЕШ ТАШАБУС

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 286-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби асосан физика-математика фанларини чуқур ўргатишга ихтисослашган. Шу билан бирга китобхоналик, маънавий-маърифий тарғибот, оммавий спорт тадбирлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

Ўқув йили давомиди мактабда белгиланган дарс жадвали машғулоти билан бирга, деярли ҳар кун маънавий тадбирлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилди. "Яшил чироқ" кўрик-танлови, "Заковат" интеллектуал شوэси, "Порлоқ келажак-қадам" деб номланган спорт уйинлари ва ҳарбий чиқишлар, "Ижодкор ёшлар" фестивали, "Истеъдодли ёшлар — бизнинг фахримиз", "Таълим, тарих ва маънавият", "Эсселар танлови",

"Шеърят кечаси" каби кўплаб маърифий тадбирлар, шунингдек, футбол, шахмат, гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар, мазкур беллашувларда туман, шаҳар ва республика миқёсида нуфузли ўринларни эгаллашни, ўқувчиларнинг баркамол бўлиб улғайишларида муҳим омили бўлди. Масалан, 9 "б" -синф ўқувчиси Акбарова Феруза "Қорақул олимпиадаси"да фахрли ўринни эгаллагани, ўз навбатида мактаб ўқувчиларини руҳлантириб, йил давомиди ўнлаб шундай юксак натижалар кўлга киритилишига туртки бўлди. Мактаб жамоаси "Яшил Тошкент" кўкаламзорлаштириш лойиҳасида фаол қатнашди.

Кунга кеча 286-мактабда "Баркамол авлод келажак пойдевори" мавзусида бадий кеча бўлиб ўтди. Тадбир якунида фаол ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарга эсталик совғалари топширилди.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Муваффақиятлар доим икки омилга — малакали мутахассислар ва яратилган шарт-шароитга, замонавий технологиядан унумли фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Профессонал кардиожарроҳлар жамоаси ишлаётган АКFA Medline клиникасида юқори технологик операцияларни халқаро стандартлар асосида амалга ошириш, ҳатто юракни кўчириб ўтказиш учун ҳамма имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган. Кардиохирургиянинг энг асосий муаммоларидан бири — операциядан кейинги инфекция асоратларни бартараф этиш учун алоҳида марказий стритлаш бўлими ташкил қилинган. Сўнгги русумдаги энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган мазкур бўлим жарроҳлик жараёнида тиббий ускуналар орқали, бу ерда йўлга қўйилган махсус тизим эса ҳаво орқали юқиши мумкин бўлган инфекцияларнинг олдини олишга хизмат қилади. Операция хоналари Германияда ишлаб чиқарилган энг муштаркам ва ишончли сунъий ўпка ҳамда қон айланиш ускуналари билан таъминланган. Мазкур сунъий



НОЁБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

ўпка аппаратининг афзаллиги шундаки, жарроҳлик асносида у бемор миёясининг фаолиятини кузатиш имконини беради.

Айни пайтда Тошкентда ўтказилаётган ноёб жарроҳлик амалиётлари хоризик кардиологлар этиборини тортаётгани бежиз эмас. Яқинда Ўзбекистонда илк бор битта беморда бирданига учта мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Олтиш тўрт ёшли беморнинг қон томирлари торайиб, юрак ва миёда қон айланиш жараёни кескин бузилгани боис, юрак қисқариши икки баробар камайиб, юрак бўлмачалари ҳажми тўрт баробар кенгайиб кетган. Яна унда митрал клапаннинг оғир даражали етишмовчилиги ҳам аниқланган. Жаҳон тиббий тажрибасида камдан-кам муваффақиятли яқунланадиган кардиожарроҳлик амалиётини ўтказиш маъсулиятини ўз зиммасига олган Ўзбекистонлик шифокорлар отахоннинг ҳаётини сақлаб қолишди. Бундай мураккаб вазиятлар клиника мутахассисларнинг кундалик ҳаётида тез-тез учраб туради.

— Ҳар кун 2-3 кишида амалиёт ўтказамиз, — дейди шифокор Алишер Меликулов. — Охириги операцияларимиздан бирида бемор оғир юрак етишмовчилиги билан ётқизилган. Юрак қисқарувчанлиги икки баробар камайгани ҳисобига у бир ой олдин инсульт ва инфарктни бошдан кечирган. Бошқа бир беморда юракнинг ярми тромбга тўлиб кетган эди. Ишлаб турган юракдан жарроҳлик йўли билан тромблар олиб ташланди. Натижа эса кўнгилдагидек.

Ҳамюрт кардиологларимиз томонидан муваффақиятли амалга оширилаётган юрак операциялари натижаларини ўрганар эканман, беихтиёр видео тасвирдаги бир интервью (кўнига 12 саоатлаб жарроҳлик амалиётини даъволаётган мутахассислар юзлашиш имконсизлигидан видео материаллар тақдим этишганди) эътиборимни тортиди.

— 2016 йили Американинг Виржиния штатида юрагимни операция қилишганида, — дейди бемор Анвар Каримов, — Ўзимга келганимда, клиник ўлим юз берганини, юрагимга еттига стент қўйилганини айтишди. Орадан бир йил ўтиб яна иккита стент қўйишди. Натижа бермади. Шифокорлар донор топиб, юракни алмаштириш керак дейишди. 2018 йили Туркияга бордим. У ерда иккита стент қўйилди. Аммо туркиялик шифокорлар ҳам юракни алмаштириш кераклигини тасдиқлашди.

2019 йилда ишлаб турган юракда коронар шунтлаш операциясини ўтказган ўзбекистонлик шифокорлар эса, беморнинг ўз

юрагини сақлаб қолишди. "Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди" деганларидек, 2022 йилнинг 10 май кун ижтимоий тармоқларда ҳам қизиқ бир воқеа тафсилотлари айлана бошлади: "Ҳамюртларимиздан бири АҚШда юрак хуружи билан шифохонага ётқизилганида, америкалик шифокорлар унга ҳаёти хавф остидалигини айтишди. Лекин ягона нажот йўли бор эди — юрак трансплантацияси!

Бемор операция учун нисбатан камхарроқ деб Туркияни танлади. Аммо қардош шифокорлар иккилашиб қолишди. Аниқроғи, стентлаш амалиётини ўтказиш маъсулиятини чўчишди. Иложсиз қолган ҳамюртими Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлди. Бироқ бу ерда у навбатдаги юрак хуружини бошдан ўтказди.

Асоратлар янада хавфли тус олди: юракнинг қисқарувчанлик фаолияти тўрт баробар тушиб, қон томирлари йўли ёпилиш арафасига келиб қолди. Шу тариқа икки баробар катталашиб кетган юракда шовилчинч операция амалга оширилади. Юракнинг учта томирига жарроҳлик йўли билан томир уланиб, бемор ҳаёти сақлаб қолинади...

Орадан уч йил ўтиб, 2022 йилнинг май ойи бошларида Америкада ишлаётган беморда кутилмаганда яна юрак хуружи қайталади. Бу сафар юракни текширган америкалик жарроҳлар бемор буюрилган дори воситаларини ўз вақтида қабул қилмагани учун яна бир томир беркилиб қолганини аниқлашди.

Операциядан сўнг АҚШлик малакали хирурглар аввалги жарроҳлик амалиёти маҳорат билан қилингани, уланган томирлар бекаму кўст ишлаб турганини эътироф этишди. Хирург ишига "заргарона" деб баҳо берилди".

Kup.uz телеграмм расмий канали мазкур воқеани ўрганиб, амалиёт муаллифини очиклади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотларга кўра, ушбу ноёб операция муаллифи тиббиёт фанлари доктори Алишер Меликулов, АҚШда жарроҳлик амалиётини ўтказган ҳамюртими эса интервьюосидан иқтибос келтирилган Анвар Каримов бўлиб чиқди. Инсон ақли-заковотию тиббиёт тараққиётини кўрингки, малакали кардиожарроҳлар қўлида сўнги нуктага келиб қолган юраклар ҳам тоғ расмини чизишга мажбур бўлмоқда.

Шухрат АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Саид БУРҲОН



Салом, Она!
Мана, мен келдим.
Даҳр тўзонида тентираб, ҳориб.
Кечир, мен қимлигим кечикиб билдим,
Ўзимдан кетганча ўзимга бориб.
Кечир,
Сен кутгандай ўғил бўлмадим,
Беҳуда совурдим кун-тунларимни.
Умр бино эрса –
Ҳали қурмадим
Иймон деб аталган устунларини.
Тўрт ўғил устирдинг,
Оғайниларим –
Ёнингда қолдилар топишиб ўрин.
Фақат мен...
Фақат мен, ношуд ва ғариб,
Сени ташлаб кетган учинчи ўғил –
Қалдирғоч қайтгандек интиқ инларга,
Муҳаббат қайтгандек ўксиж дилларга,
Юрагим тўлдириб яна сирларга –
Қайтаётирман...
Кечир, Она,
Мана, мен келдим,
Айланиб-айланиб келдим, ниҳоят.
Мен ўғил бўлмадим, армонинг бўлдим,
Сен эса, Онажон,
Ҳамон Шьерият!

СОФИНИШ

Ота, уйимизни тополмадим ман...
Бордим, кўрдим.
Лекин ўша йўллар йўқ.
Ўша остонани ўполмадим ман,
Чириган бўлса ҳам қолган чўплар йўқ.

Она, уйимизни тополмадим ман,
Борсам, кучоқ очиб чиқар одам йўқ.

Моҳигул МУСТАФОЕВА



ИЗҲОР

Кўзга суртиб гулдай бахтини
Шараф эрур Ватанин севмоқ.
Шараф ишқининг зарҳал хатини
Тумарисдек кўнгилга ўймоқ.
Широкларнинг изидан бориб
Йўлларингга чироқ ёқай мен.
Байрогимни бош узра олиб,
Қаламим-ла кўкка тақай мен.
Дилдан тилга етиб келмаган
Тўйгуларим кўп ҳали сархил.
Ҳали қанча гул бор кулмаган,
Юрагимнинг ҳолати ҳар хил.
Ватан, сенсан олган нафасим,
Майли, ишқинг айласин адо.
Борлигим сен, оруз-ҳавасим,
Шу тупроқдан бўлганман пайдо.
Онамдайсан, баланд ҳимматинг,
Тиззангга бош кўйиб ётаман.
Бир кун келиб сендек жаннатнинг
Кучоғига ойдек ботаман.

ҚАЛБИМ БОҒИ

Сўндирилмас меҳрим ҳеч кимса,
Қалбимдаги сўлим боғ – Ватан.
Суяр – ёмғир бўлиб суринсам,
Отамдайин кўкси тоғ Ватан.
Пойиغا бош уриб мен бугун,
Жилғалардай қулиб бораман.
Тоғу тошин гуллатмоқ учун
Бир сўз демай жоним бераман.
Дилимда йўқ ҳеч қандай кек, ғам,
Гуё юзи бир қошқиқ гулдек.
Гарчи менинг киприқларим нам,
Гарчи менинг йўлларим қилдек.
Эй ғажор дўст, унут барин, юр,
Ватан недур кўрсатай сенга.
Ватан асли бир қафт тупроқдур,
Она эрур у сену менга...

АРМОНИМ ЙЎҚ

Кўринг, бугун мана мен кимман,
Ортада қолди аламлар бари.
Куч оламан Ватан меҳридан
Муҳаббатим ортгани сари.
Энди асло армоним йўқдир,
Гар ўлимдан келса ҳам хабар.
Қаламим мен учун ҳаётдир,
Ватаним бас дегунга қадар.

ОЗОДБЕК

Ишонган, сунган тоғимсан ўзинг,
Меҳрдан гуллаган боғимсан ўзинг.
Ҳаётим байрони, туғимсан ўзинг,
То абад чинордек буй чўз, Озодбек.
Кўлинг чўзсанг етсин, ойга-осмонга,
Номингдай азиз бўл ҳар бир инсонга,
Чинакам ўғлон бўл Ўзбекистонга,
То абад чинордек буй чўз, Озодбек.

Қ Ҳ Ё Ш Ю Р Т И И ~ Ъ Ҳ Ҳ З Ъ Е К И С Т И О Н

Шунда бирдан... бирдан ёдимга тушиди:
Менинг отам йўқ-ку, менинг онам йўқ!

Она, уйимизни тополмадим ман...

“МУҲАББАТ ДАФТАРИ”ДАН

Минг марта қалбингиз яралаб, яна
Минг бора ўтиниб, кечирим сўрдим...
Гулим, кечиримли юрагингизда
Улуғ муҳаббатнинг шақлини кўрдим.
Балогат аталган асов тулпорнинг
Жиловин кўлимда тугтанча маҳкам
Не ҳислар кўкида саргардон учдим,
Сизнинг ёнингизга тушгунча, бекам.
Севмоқ – бахт, айрилиқ унга ҳамроҳдир,
Висол йўли битта, ҳижрон йўли – минг.
Менинг пешонамга тушган илк чизиқ
Аксидир Бухоро – Тошкент йўлининг.
1985

ОШИҚОНА

Бу далли дил билан кирдим
Муҳаббат отли дунёга,
Насиҳат қилмагил, эй дўст,
Менингдек телба шайдога.
Агар ишқимни рад этса,
Ўзлигим рад этурман мен,
“Хайр, дорилфунун”, дерман,
Хайр, бу шаҳри аълога.
Керакмас илми сўзбозлик,
Керакмас обрўю давлат,
Келиб эрдим Бухородин,
Кетурман боз Бухорога.
Сўрарлар: эс-хушинг қайда,
Қани ул орзуинг, Бурҳон?
Дегайман: барчасин бердим
Ўшал гул озли Раънога.
1982

ЭЙ, ДИЛ

Иккита ҳаётим, иккита юзим,
Бир ёққа ўтолмай топмадим тўзим,
Икки тўлқин аро гирдобда ўзим,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил!?

Тирикчилик, дейман, ишга кетаман,
Ишдан кўнгил тўлмас, лекин нетаман –
Орзу маош бермас, фикр этаман,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил?!

Оламшумул дардлар ётибди сенда,
Яна иллат илдриз отибди сенда,
Ғафлату бедорлик не топди сенда,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил!?

Бир куни бу танам бир ёқли бўлар,
Шақсиз, ҳаволимас, тупроқли бўлар,
Саид Бурҳон шунда гуноҳли бўлар,
Сен қачон бир ёқли бўласан, эй, дил!?

АСКАР ШЕБҲЛАРИ

Кучаларда изғирин голиб,
Қасирлайди дарахт шохлари.
Бу қиш сенсиз ва менсиз қолиб,
Яхламоқда Тошкент боғлари.
Бу кез менинг ҳарбий ҳаётим
Полтавада ўрмон кезади.
Қалбим сенинг фироқинг тоти –
Қиш аччигин яққол сезади.
Карманада қиш бошланса ҳам,
Остонангни кўмса ҳамки қор,
Карманада сен қиз яшайсан,
Карманада ҳамиша баҳор.
1983

Интиламиз, шошамиз доим,
Кўёш билан жанубга томон,
У томонда туғилган жойим,
Кўёш юрти – бу Ўзбекистон.
Бу кун унда кезмоқда кўклам,
Тупроқ аста чиқариб дамин,
Кумсар ҳарбий хизматга кетган
Йигитларнинг оғир қадамин.
Қалбларида бизнинг севгимиз,
Қизлар чиқиб лолазор қирга,
Кукка қараб, бор овоз билан
Исмимизни айтиб қақиргай.
Биз борурмиз...
Келгуси баҳор –

шунда йиғинга унинг ўзини ҳам чақиришди.

– Менинг эшитишимча, бошқа қишлоқдаги одамлар бир қарорга келиб бўлишибди, – деди Ўткир. – Мен давлатнинг катта чўпонларидан йўл-йўриқ сўраб келдим. Қурғоқчилик йиллари чағана сурувлар ҳам тоғда жон сақлаганини айтишди.

Чўпон йигитнинг гапими ҳеч ким инкор қилмас-да, лекин тажрибасиз бир болага сурувни ишониш керакми, деган гап одамларнинг ўзоро тортишувига сабаб бўлаётган эди. Бунинг устига олдинлари қишлоқ сурувни боққан ёши катта чўпонлар тоққа боришга унамаётган эди. Масала ечимсиз қолаверганидан одамлар жимиб, узоқ-узоқлардан оқариб кўриниб турган Помир чўққиларига қараб қолишди. Худди чўққилардаги қорлар эриб улар томон келадигандек.

– Агар қишлоқ аҳли рози бўлса, мен сурувни тоққа ҳайдашим мумкин, – деди Ўткирнинг ўзи ҳамма жим бўлиб қолганини кўриб. Лекин шунда ҳам чўпон йигитнинг гапини маъқулловчи топилмади.

Элнинг ризқ-рўзи шу чорваси-ку, бутун қишлоқнинг ҳаёт-мамоти. Уни бир болага топшириб қўйиш осон эмас. Бу даврада олдинлари ҳам бўлган қурғоқчиликни ўз кўзи билан кўрган кексалар ўтирибди. Айтилган гап ўз йўлига, лекин ҳаёт бошқа. Бу катта масъуلياتни бўйнига олиши учун турмушнинг паст-баландини кўрган тажрибали одам керак. Одамлар шу ҳақда ўйлашарди, чоғи. Шу боис ҳамма жим. Узоқ сукунатдан кейин Охун бобо ўзининг таклифини айтди.

– Ёгингарчилик бўлмаётганини ҳамма билади. Ҳар куни осмонга қараб юрак ҳовучлаб яшяётганимиз ҳам рост. Аломатлар қурғоқчилик бўлишини билдириб турганда одамларнинг ихтиёрини сўраб ўтиришининг мавриди эмас, – деди оқсоқол. – Хоҳлайдими, йўқми тоғ шароитини биладиган катталар ўртасида қуръа ташлаймиз, майли Ўткир ҳам уларга кўшилсин, у ёғи Худога таваккал.

Бу гапга барча рози бўлди.

Мажбур бўлганидан кейин Ўткирдан олдин чўпонлик қилган катта ёшллар бир томонга ўтдилар. Қуръа ташланди. Кизиги, қуръа Ўткирда чиқди. Йиғиндагиларнинг хавотири ортди. Биргина қуръа билан элнинг тақдирини шу болага топшириб қўйишга кўпчилик норози-

НАЗМ, НАСР

Гулдасталар биз-чун аталар.
Кутиб олар серкўёш диёр,
Иссиқ нигоҳ, иссиқ бўсалар...
1983

БЕДИЛ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ҳол сўрмаса ҳам ёрга жавоб ўлди бизим дил,
Саргарди гул ишқида, бетоб ўлди бизим дил,
Манзил харобот ўлди, хароб ўлди бизим дил,
Заҳм ўлди яна, чашми пуроб ўлди, бизим дил,
Рангинг ичра қон шароб ўлди бизим дил.

Эй, боди сабо, ўйнама, бас, лаҳзае тингил,
Ки, ғамзаларинг ғам юкини қилмади ингил,
Борғилки Самум сори, анинг тошига ингил,
Гулбоғу чаман фаслида тош ўлса у кўнгил,
Дашт узра ғубор ўлса-да об ўлди, бизим дил.

Агёрни кўринг, май тутса, мудом хом бўлибдир,
Балки азалдан шўру талх биза ком бўлибдир,
Не мастлиғ эмиш, девона бизим ном бўлибдир,
Васл анжумани ичра ҳаё жом бўлибдур,
Об ўлса агар бодаи ноб ўлди, бизим дил.

Тун ўлди адо, нафс, нима топдинг ҳавасингдан,
Эй жон, чиқ, энди бу кун озод бўл қафасингдан,
Валфажр дедим, қоматга келиб қуш сасингдан,
Не ҳосил, аё нола, бул оташ нафасингдан,
Қон бўл, сени деб бўйла кабоб ўлди, бизим дил.

Ҳолим не эрурки, боқ, не ҳол ичра бу олам,
Ҳар ёнда тўфон, гуё завод ичра бу олам,
Бухронни дема, Бурҳон, савол ичра бу олам,
Бир чашма-ку тўфони хаёл ичра бу олам,
Бедил, наилож, эмди сароб ўлди, бизим дил.

ЁЗАР БЎЛДИК

Ёзилғон эрдими тақдир, нечуким биз ёзар бўлдик,
Ғаҳи ашёр, ғаҳи панду ғаҳи мактуб кезар бўлдик.

Кўруб бу турфа оламни, оламни билмас одамни,
Ғаҳи тубга кириб кетдик, ғаҳи сирда сузар бўлдик.

Холмуҳаммад КАРИМИЙ



кўриб ақллари шошиб, бир ғайратига ўн ғайрат қушилди. Олдидаги қўйларга жир битиб қолгани шундоқ кўриниб турибди. Ўткир ҳамроҳига кўрсатиб мақтанди.

Мана, шундай кунларнинг бирида олдиндаги сурувлар кирмай ўтган ўт-ўлан белга уриб ётган дарага дуч келиб қолишди. Аввалига қўйларни шу ёққа буриб юборишга келишди. Аммо Ўткир бунинг бир сабаби бордир-да, деган ўйда чўпонлардан сўраб билиш учун илгарилаб кетди. Яхшиямки, сўраб боргани. Бир фалокатдан қутулиб қолдилар. Бу дарада ўт мўл бўлганидан ийртқичлар пойлаб ётиб кулпа-кундузи ов қилиши мумкинлигини билиб қайтиб, тезда бу ердан узоққа сурувни ҳайдаб кетишди.

Ана шу воқеадан кейин хуш-ёрликни яна кучайтиришди. Бир кун қоянинг устига чиққан Ўткир қишлоқдагидай қилиб бармоғини тупуклаб шамол йўналишини аниқламоқчи бўлди. Қайта-қайта такрорлаб кўрса ҳам ҳаво ўзгариши ғалати туюлаверди. Унинг сезишича, ёмғир аломати бор эди. Аммо осмонда заррача булут йўқ. Бир дам ўйлаб туриб бу аломатни катта чўпонларга етказганида, улар ташвишга тушиб қолдилар. Тоғ шароитида ҳар бир аломатга эътиборли бўлган бу одамлар тезда бир-бирига хабар айтишиб, сел келиши мумкин бўлган дарадан сурувларини четга олишди. Қоронғи тушганда ҳам ёмғирдан дарак бўлмади. Ўткир ўзининг гапидан пушаймон бўлиб, чўпонларни овора қилганига ачинди. Тун ярмида кўзи илинган экан, юзига тушган ёмғир томчисидан чўчиб уйғонди. Осмонни қоп-қора булут босган, шитирлаб ёмғир томчилаётган эди. Бир муддат ўтиб қаттиқ яшин чакнаб гулдурак бўлди, шаррос жала куя бошлади. Шериги билан сурувни яна ҳам очирроқ жойга ҳайдаб чиқишга ҳаракат қилишгани билан ҳеч нарсани уддалай олишмади. Жаланинг шиддати ортагдан ортиб борарди. Ҳар яшин чакнаганда қўй-қўзиларнинг бир-бирига ёпишиб турганини кўриб қолишарди, холос. Жала пайти қўйлар бир қадам ҳам юрмаслигини улар қаердан билсин. Кўрқувдан нима қилаётганларини билмайди. Улар шу аҳволда турганларида жаланинг шиддати бирдан пасайиб ёмғир тинди. Осмоннинг ҳам ҳар ер-ҳар еридан юлдузлар кўрина бошлади. Сал нафас ростлаб, қўйларни оралаб, ҳамма тинчланганидан хурсанд бўлишиб турганларида, даралардан шовқин эшитил-

Тузиб қўйгон Ўзи бордур, аён айлаб китобида,
Таажжубким, бани одам нечун низом бузар бўлдик.

Ҳама доно, ҳама гуё илмни сув қилиб ичган,
Ақл бермоққа барча бир-биридан ўзар бўлдик.

Кибор бўлма, гурур қилма, гапирма асло ёлгонни –
Деган эрди, ҳамасиға мувосил, алҳазар, бўлдик.

Нима қолди биза энди бузилғон ушбу дунёда,
Юракда бир хуруж турса, бузулгонни тузар бўлдик.

Сабр қилдик, шукр қилдик тутиб игнани бармоқда,
Умр ўтди, қудуқни энди кетмонда қазар бўлдик.

Саид Бурҳон, ёмонми-яхшими, ҳар кун туз ашёринг,
Ёзилғон эрмиш тақдирда, шунинг-чун биз ёзар бўлдик.

СЕН ТОМОН

Мен сени севганчалик, бошқа севмас, даргумон,
Сен менга йўқдир гумонинг, ўз-ўзимга бор гумон.

Бунчалик тоза бўлурми атри гул иффори, ҳай,
Болари кўнган маҳал қолдирмаган ўздин нишон.

Шунчалик юксақдадурсан, бул гуноҳқор бандадин,
Билмадим, олдингда мен борманми ё йўқман, ишон.

Сен киби олий мақомни бермагум шоҳ, бандага –
Ўзинг شوҳсан, ўзинг зотсан бул ошқиқа меҳрибон.

Севганим борди жаҳоннинг бори буд ҳавосини,
Келганим шулдир қарорга, йўқ бўлак сендин жаҳон.

Йиғлагум, қилгум табассум оташи меҳринг аро,
Ғаҳи уммон ичрадурман, ғаҳи бўстон ичрамон.

Ошиқ ўлдим қай замонким, ваҳки умрим каъбида,
Тўрт томон қибла эрурким, ўртасинда сен – имон.

Мен Саид Бурҳон бўлиб, топғон ўлурсам ҳар неки,
Сен учундир, сен туйфайли, мен борурман сен томон.

Холмуҳаммад КАРИМИЙ

Оз фурсат ўтиб-ўтмай шовқин-сурон кучайди. Ваҳимали товшулардан юрак ҳовучлаб турганларида пастдаги дарадан пишқириб сел келаётганини сезишди. Тобора осмон очилиб бориб, даранинг ичи ёриша бошлади. Ой юз кўрсатганда селнинг даҳшат солиб оқишини узоқдан элас-элас кўришди. Бу пайтга келиб тонг ёришди. Атроф яққол кўрингач, сурув омонликда қояларга сочилиб ўтламоқда эди. Сурувни саноқдан ўтказиб, бус-бутунлигидан кўнгиллари тинчиб, уст-бошларини қуритишга тушдилар. Туш маҳали катта чўпонлардан бири уларнинг олдига тушиб келди:

– Ўткир, иним, сизни биз ёш чўпон деб нотўғри ўйлаган эканмиз. Тажрибали чўпонлардан ҳам зиёда фаҳмингиз бор экан. Биз сел келадиган даранинг ичида эдик. Худо йўллаган хабарчи бўлдингиз, – деди у.

Шу воқеадан кейин Ўткир ҳам хурматли одамга айланди.

Тоғларда катта сел бўлганини эшитган қишлоқдагилар хабар олиш учун одам юборганди. Улар уч кун деганда чўпонларни топиб келишиб, соғ-омон кўришганда қувониб кетишди. Бу хабарни олиб борганда қишлоқдагилар яна ҳам севинишди. Охун бобонинг севинчи икки ҳисса бўлиб, кўп-кўп шукроналар айтишга тушди.

Тоғда бундан кейин ҳам икки-уч марта ёмғир бўлди-ю, лекин аввалгидек жала қуймади. Сел келган дараларда ҳам кўрқинчли жойи йўқ эди. Кунлар ўтиб тоғ чўққиларига қор тушганда, сурувлар ортага қайтишни бошлади. Кенг яйловларда жимирлаб ёғаётган куз ёмғири ерни жонлантирган. Тоғдан қайтган сурувлар текис яйловларга тушиб, чўпонлар жир битиб ўйноқлаб қолган қўйларни эсон-омон олиб тушган кунларда қишлоқдан элчи келиб, Ўткирдан суюнчи олди: “Охун бобо совчи бўлиб ишни битказган эмиш”.

Хамсанавислик аънаси Шарқ адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. Озарбойжон мумтоз адабиётнинг зарбардаст вакили Низомий Ганжавий бошлаган бу аънаа кейинчалик Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий сингари форсийзабон шоирлар томонидан муваффақиятли давом эттирилди. Алишер Навоий эса илк бор туркий “Хамса” яратган шоир сифатида тарихга кирди. Алишер Навоийнинг “Хамса”си салафларига мувофиқ тарзда ўзидан олдин шу услубда битилган дostonларга жавобан битилган бешта дostonни ўз ичига олади. Улар “Хайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъйи сайёр” ва “Садди Искандарий” дostonларидир.

«ХАМСА» ҲАЙРАТЛАРИ» ДАН ҲАЙРАТЛАНИБ

Одатда, “Хамса”нинг биринчи дostonи ҳар доим фалсафий — дидактик мазмунда бўлган. Хусусан, Низомийнинг “Махзан ул-асрор” (Сирлар хазинаси) дostonи Яратганга ҳамду сано ва муножотлар, ахлоқий масалалар, дунё мўъжизалари, ривоят ва ҳикоятлар, панд-насихатларни ўз ичига олади. Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” дostonи ҳам шу йўналишда, айни вақтда Низомий аънасалари асосида битилган бўлса-да, ундаги масалаларга бошқача кўз билан, янгича ёндашув билан қараган. Янги мавзулар ва ҳикоятлар киритган. Бу ҳам Навоийнинг буюк сўз даҳоси, бетимсол идрок ва фаоҳат соҳиби эканини кўрсатади.

Ўз навбатида эски ўзбек тилида ёзилган Навоий “Хамса”си бошқа туркий тилларда бу йўналишда янги асарлар яратилишига сабаб бўлди. Фузулий, Андалиб, Хиромий сингари туркий шоирлар “Хамса” дostonларига эргашиб, қатор дostonлар битишди. Ҳатто замонавий адабиётда ҳам “Хамса”га татабуълар, назиралар ёзилаётди.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Хамса” ҳайратлари” (“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти) китобини варақлар эканман, буюк мутафаккир ижоди бугунги шоирлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганига ишонч ҳосил қилдим.

Авалло Навоийни англаш, унинг сўз уммонига шўнғиш, маъно дурларини қўлга киритишнинг ўзи ҳар кимга ҳам, ўрни келса, навоийшуносликка даъво қилувчиларга ҳам мурасор бўлавермайдми. Сирожиддин Саййид ана шундай мақсадга ҳақиқий маънода эриша олган шоирларимиздан бири.

Сирожиддин Саййид ижодини узоқ йиллардан бери кузатиб келаман. Унинг рангин абаътида мумтоз адабиётимиз хазинасида баҳрамандлик яққол кўзга ташланади. Зотан, буюк шоирларимиз изидан бориб, аруз вазида, бадий санъатлардан унумли фойдаланган ҳолда шеър битиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдми. Унинг айрим байтларида Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий ва Бобур шеъриятига хос оҳанглр, ташбеҳ ва истиоралар учрайди.

Мен ишқ элининг нолаю афғониди кўйдим.
Кўнгил уйининг оташи армонида кўйдим.
Меҳрин тилабон ўтса агар ошиқи зорлар,
Меҳримни бериб мен эса товонида кўйдим.

Шоирнинг “Хамса” ҳайратлари”ни мутолаа қиларканман, Навоийнинг дилбар мисралари Сирожиддин Саййид нигоҳида ўзининг янгича шеърий тақлибини топганини кўраман. Бу мўъжизаги китоб жами эллик битта шеърни ўз ичига олган. Ҳар бир шеър “Хайрат ул-аброр”даги муайян бир шеърий парчага жавоб тарзида битилган. Китоб чин маънодаги хайрат маҳсули. Муаллиф Навоийнинг байтларидан, шеърий иқтидоридан, сўз кудратидан чексиз хайратга тушади. Бу хайрат-

КИТОБИНИГИЗНИ ЎҚИДИМ

Ёзувчи Шохрух Акбаровнинг “Мен ўзбекман” деб номланган икки китобдан иборат тарихий-ҳужжатли романини ўқиб чиқдим. Устоз Абдулла Қаҳҳор китоб шавқ билан ўқилиши керак, деб айтган эди. Мен ҳам ушбу асарни шавқ билан ўқидим, воқеаларнинг шиддат билан ривожланиши, тўқнашувларнинг кескин тус олиб, ҳаёт-мамонт даражасига кўтарилгани бутун диққат-эътиборимни ўзига жалб қилиб олди.

Китобнинг бош қаҳрамони прокуратура тизимида ишлаб, эл назарига тушган ҳуқуқшунос Тоҳир Мирзаев ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаб келаётган замонашларимиздан бири.

Биринчи китобда 1984 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Марказқўмининг ўн олтинчи пленумида Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Москвадан кадр сўраганидан кейин юртимизга собиқ марказ томонидан юборилиб, ўзларини оппоқ, халқимизни эса ёмон отилиқ қилиш мақсадида қўллаб ҳамюртларимизни йўқ жойдан айб толиб қамаган “десантчи”лар билан мурасосиз тўқнашувлар қаламга олинган. Иккинчи китобга қонунлар эскиргани туфайли ишламай қолган 90-йилларда — мустақиллик арафасида юртимизда бош кўтарган уюшган жиноий гуруҳлар ва уларнинг давлат идораларидаги ҳомийларига қарши курашлар асос қилиб олинган.

Қўнлардан бир кун ёш Тоҳиржонга падари бузруквори Қамбар ота улуг аллома Имом Бухорий ҳазратларидан қўлидаги ҳадисни ўқиб беради: “Зинҳор ёлгон гапирманг, чунки ёлгон фиксу фужурга олиб боради, иккови қўшилса дўзахга олиб боради. Узингизга росттўйликни лозим топинг. Чунки росттўйлик яхшилик билан биргадир, иккови қўшилса жаннатга олиб боради”.

— Мен, ўғлим, бу улуг ҳадисга амал қилиб яшаб кам бўлмадим, сен ҳам шу муборак ҳадисни ўзинга дастуриламал қилиб олсанг кам бўлмайсан, тўғри, дилингда уйлаганингни рўй-рост айтсанг, дастлаб қийин бўлади, кейин ҳаммаси изга тушиб кетади...

лар кўйма сатрларга айланиб, қоғоз сатҳига ёғилади. Навоийнинг биргина байти таъсирида янги бир шеърий асар пайдо бўлади.

“Хайрат ул-аброр”нинг биринчи муножотидан ўқиймиз:

Авал Ўзунг, охиру мобайн Ўзунг,
Борчага Холиқ, бориға айн Ўзунг.

Шу икки мисра Яратувчининг қанчалар буюк ва қудратли эканини таъкидлайди. Дарҳақиқат, Унинг Ўзи ҳеч



нарсаярлмасдан олдин ҳам бор эди, ҳамма нарсаяйқ бўлиб кетганидан кейин ҳам Ўзи қолади. Ана шу аввал ва охирининг ўртасида ҳам унинг Ўзи бор. У ҳамма нарсани яратган, ҳаммаси унинг назари, назорати остида.

Шу байт таъсирида битилган муножотда ҳам Яратувчига қарата бандаси томонидан айтилган муножот гўзал ташвиҳлар воситасида баён этилади:

Азалдирсан абад танҳо,
Ўзинг танҳо ҳукмфармо,

Иродат барчаси Сендин,
итоат барчаси мендин..

Китобда Навоийнинг “Хайрат ул-аброр”идан биттадан бир нечтагача мисра олинди, ундаги фикрларга шоирона ҳамоҳанглик ифодаланади. Маълумки, Навоий ҳар доим ўзини салафлар олдида хокисор тутди, уларга буюк ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади. “Хайрат ул-аброр”да мутафаккир Низомий, Дехлавий, Жомий сингари устозларга муносиб баҳо бераркан, ўзи уларнинг изидан боришини “Асҳоби Каҳф”нинг итига ўхшатади:

Ит киби чун пастиғим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипиға боғладим.

Сирожиддин Саййид эса, шоирона зукколик ила Навоийга бўлган илҳоси ва муҳаббатини қуйидаги мисраларга жо этади:

Ит янглиғ ипиға боғлабмиз ўзни,
Дил тугтиб назму сўз баҳонасидан,
Бизни истаганлар, бизни излангиз
Ҳазрат Навоийнинг остонасидан...

Зотан беш ярим аср муқаддам Навоийнинг ўзи ҳам худди ана шундай камтаринлик, тамкинлик билан “Истаганлар бизни сахрои балода истангиз”, дея хи-тоб қилганди.

Албатта, замонавий ўзбек адабиётида Навоийдан илҳомланиб шеър битмаган шоирнинг ўзи йўқ. Аммо Навоийнинг муайян бир байтини олиб, худди шу вазн ила уни шарҳлаш осон эмас.

Одами эрсанг демағил одами,
Оники йўқ халқ гаமிдин гами —

байтини барча ўзбек мактабдан ёд билади. Аммо “Хамса”нинг биринчи дostonи вазида, сариё баҳрида шу тахлит битилган жавоб чиндан-да ўқувчининг хайратини оширади:

Эл сени шониста даврон этар,
Ном ила шонингни ул осмон этар,
Қарғаса эл — ер билан яқсон этар,
Эл сени инсон этар, инсон этар.

Ушбу китобни мутолаа қиларканман, “Хайрат ул-аброр”нинг ҳали мен англаб етмаган ёки илғамаган жилларини ҳам туйгандек бўлдим. Зотан, Навоийни теран англаш учун фақат олимона нигоҳ эмас, теран шоирона тафаккур ва тасаввур ҳам керак бўлади. Навоийни илмий англаш олимларга хос. Сирожиддин Саййиднинг Навоий дostonидаги мисраларга эргашилганининг ўзига хошлигини қайси адабий жанрга сиғдириб ифодалашни билмадим.

Аниғи битта — улар Навоий дардларининг асрлардан кейинги ҳамоҳанглиги ифодаси. Муҳими, қандай шаклда бўлса ҳам, Алишер Навоийга эргашилш. Гапим қуруқ бўлмасин: мана бу мисралар инсоният ҳаётининг барча даврлари билан ҳамоҳанг эмасми?

Масалан, Навоий “Хайрат ул-аброр”ининг саккизинчи мақолатидан:

Ҳар кишимки, қўйдум аёғига бош,
Жола киби бошима ёғдурди тош.
Войки, юз тош аро ёлғуз бошим,
Чарх соғинмишки, эрур юз бошим.

Сирожиддин Саййид ёзади:

Кимники, қўйдим оёғ остига бош,
Бошим узра тош уза ёғдирди тош.
Кимгаким, жону дилим қўрбон қилиб,
Бордим, ул қайтарди тошбўрон қилиб.
Қай томонга бош ўғирсан тош чиқар,
Нониму ошим аро ҳам тош чиқар...
Даҳр аро гар жоху тахту тож талош,
Ким менинг бошим бўлибмиш тош талош.
Жумла юлдуз — кимсалар кўзёшидай,
Ҳам фалак улкан тегирмон тошидай —
Эвритиб тун-кун қўёшу ойини,
Ун қилар инсоният бугўйини.
Одамнинг бағри тошу ўзи тош,
Қўли тошу юзи тошу кўзи тош.
Қолдинг оламда қилу қолсиз, бошим!
Вой, юз минг вой менинг ёлғиз бошим!

Афтондил ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори



прокурори бўла туриб, ўзбек халқини ёлпасига порахўрликда айблаши асло қуракда турмас бир ҳол эди. У Мирзаевнинг танқидидан тўғри ҳулоса чиқариши, айбига иқдор бўлиши лозим ва шарт эди. Бироқ у айрим галамис кимсаларнинг гапига кириб, Тоҳир Мирзаевни жазолаш учун тирноқ остидан кир қидиришга тушади. Аммо жазолашнинг удрасидан чиқа олмайди. Кейинчалик ўзидан узоқлаштириш учун уни Хоразм вилоят прокурори этиб тайинлайди.

Марказқўмининг иккинчи котиби, республикада катта нуфузга эга амалдор, “десантчи”ларнинг катта ҳомийси Анишев унга Хоразмда вилоят партия қўмитаси иккинчи котиби Нетяга билан ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб ишлашни маслаҳат берган эди. Аммо Т.Мирзаев ўз этиқидидан қайтмайди. Нетяганин жиноят содир этгани фактлар билан тасдиқлангани учун бор гапни унинг юзига очик аятади:

— Леонид Иванович, менимча, сиз ва сиз каби москвалик ўртоқларнинг бу ерда, Хоразмда қиладиган ишлари қолмасди, қамайдиган одамларнинг ҳаммасини қамаб бўлдингиз. Энди бу ердан кетишингиз керак!

Нетягага Хоразмда шу пайтгача ҳеч ким бундай бетгаочарлик қилмаганди. У дарҳол Анишевчагга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Лекин Анишевнинг ўзи бу пайтга келиб Ўзбекистондан кетадиган бўлиб қолгани учун Нетяга ҳам Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлади.

Иккинчи китобда мустақиллик арафасида мамлакатдаги сиёсий вазият, иқтисодиётдаги мураккабликлар ҳамда

жиноий гуруҳларнинг кирдиқорлари анча батафсил ҳикоя қилинади. Китобхон худди детектив асар ўқиётгандек бўлади. Сезгир китобхон бу воқеалар охири-оқибат Тоҳир Мирзаевнинг фаолияти билан ҳамбарчас боғланиб кетганини кўради. Андижондаги уюшган жиноятчи тўдларини жилволаш, тўқимачиликлари комбинатидаги талон-тароқчиликларини бартараф этиш учун ҳукумат комиссияси раиси сифатида Андижонга келиб ўз вазиғасини эда этгани ҳамда Самарқанддаги чой қадқоқлаш фабрикасидаги жиноятларга барҳам бериш учун яна ҳукумат комиссияси раиси сифатида Самарқандга бориши каби воқеаларга анча кенг ўрин берилган. Ушбу воқеалар замирида китобхонни хайратга солиши мумкин бўлган икки ҳолатга эътиборни қаратиш жоиз, деб ўйлайман. Китобхонда шундай савол туғилади: “Нега суд, прокуратура, ички ишлар ходимлари жиноятларга барҳам бермайди?”. Китобда бу муҳим саволга жавоб ҳам бор, албатта. Тартиб посбонлари коррупцияга ботиб кетган, улар жиноятчиларни турли йўлар билан муҳофаза қиладилар. Иккинчи муҳим сабаб — улар жиноятчилардан қўрқадилар. Юзага келган бу иллатларни бартараф қилиш учун айнан Тоҳир Мирзаев каби ҳалол, фидойи, қатыятли ва ўз ишининг устаси бўлган етук мутахассис керак эди.

Тоҳир Мирзаев ўзига топширилган вазиғаларни аёло даражада уддалади, халқ мулкни талон-тароқ қилаётган, беллини оғиртай миллион-миллион пулларни ўмараетган юлғич-жиноятчиларнинг фаолиятига чек қўйди.

Шохрух Акбаровнинг бу икки китоби яқин ўтмишимиз тарихини жонли тарзда, ҳужжатлар асосида мароқли ёритгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Шодмон ОТАБЕК

Наим КАРИМОВ,
академик

ФОЖИАЛИ ТАҚДИР ҲАҚИДА КИТОБ

Камина умрининг кичик бир қисми яқин-яқингача махфий саналган идораларнинг махфий хоналарида кечди. Темир жавонларда сақланган ва махфийлик белгиси эндиғина олинган ҳужжатлар билан танишганимда, дўзах азоблари аллақандай олисда эмас, нақ ёнгинамизда рўй берганига амин бўлгандим.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Маъсума” номли янги романи қаҳрамони ҳам шундай азоблардан четда қолмаган.

Биз қатағон қилинган аёлларга бағишланган “Қор қўйнида лолалар” китобини ёзаётганимизда бирорта “дело”да “Маъсума” номини учратмаганмиз. Лекин қайнотаси Абдувоҳид Қориев ва унинг Босит, Боис (Олтой) исми ўғиллари шу дўзахда ёниб кул бўлишган.

Абдувоҳид Қори Абдурауф қори ўғли Тошкент шаҳрининг катта уламоларидан бўлган ва XX аср бошларида чор Россиясининг Туркистондаги амалдорлари томонидан Тула шахрига сургун қилинган. Сургун муддати тугаши билан оиласи бағрига қайтиб, осуда турмуш кечири бошлаган. Бироқ аввалига унинг ўртанча ўғли Боис Қориев, яъни шоир Олтой, “Қизил қалам” ёш ижодкорлар ташкилотининг фаолларидан бири сифатида “Наркомпрос” иши юзасидан жиғасга олинган. Даҳшатли 1937 йил арафасида Абдувоҳид қори, бу сафар шўро давлатининг газабига учраб, яна қамқоқнинг қалин деворлари ортига улоқтирилган. Унинг шу йили Москвадаги ўзбек санъати декадасига раҳбарлик қилган тўнғич ўғли Босит Қориев эса, декада тугар-туғамас, кишибанд қилинган...

Ўзини “дунёдаги энг демократик, энг халқпарвар, энг инсонпарвар давлат” деб эълон қилган шўро давлати шу тарзда бутун бир оиланиннг тағига сув қўйди. Оила бошлиғи ва фарзандлари “халқ душмани” дея айблангандан сўнг, сиртмоқ Босит Қориевнинг рафиқаси Маъсума Қориевнинг бўйнига келиб тушади...

Маъсума Қориева ўзбек театрининг қандай машҳур актрисаларидан бири бўлмасин, унинг шарафли ижод ва машаққатли ҳаёт йўлини озми-кўпми ёрита оладиган манбалар етарли, деб бўлмайди. Актрисаниннг ҳаёти фожиа билан яқунланган, у ҳақидаги ёзма манбалар йўқотиб юборилган, оғзаки хотиралар эса, бизгача етиб келмаган.

У Фулом Зафарийнинг машҳур “Ҳалима” пьесасида бош ролни катта маҳорат билан ижро этган актрисалардан бири. Саҳнада Ҳалима образига ниҳоятда киришиб кетган, унинг руҳий дунёсини шу қадар чуқур очган эканки, ҳатто Ҳалима ролида чиққан спектаклларида бирини театр раҳбарияти унга бағишлаган ва шу спектаклга “Маъсума Қориева бенефиси” мақоми берилган, буюк Чўлпон эса шу бенефисда машҳур ўзбек актрисасига бағишланган шеърини ўқиб берган экан:

Эй, йўксиллар саҳнасида
энг қимматли санъаткор,
Эй, занг босган кўнгилларни
оқартувчи малика!
Ўзбек қизи ўз оғзи-ла
айтлолмаган сўзини,
Сениннг ўткир тилиннг
билан эшиттирди элига!

Камина ёшлик йилларимда ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик театрининг ашаддий мухлиси бўлганман. Шунинг учун театр тарихи, машҳур режиссёр ва артистлари тўғрисида етарли тасаввурга эга эдим. Аммо орадан бир неча йил ўтган, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Ўзбекистон халқ артисти, раҳматли Зикир Муҳаммаджоновнинг “Рамзий қабрлар” деган ажоиб мақоласи чиқиб, мениннг шўро давлати ва шўро маданияти тўғрисидаги тасаввурларимни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Мен ҳам, тенгдошларим ҳам Маъсума Қориевани — ўзбек саҳнасида биринчи бўлиб аёл ролида уйнаган машҳур актриса яшаб ўтганини яхши билардик. Лекин унинг номи матбуотда ва

давраларда тилга олинмас эди. Зикир ака чорак аср аввал чиққан ўша мақоласида “муқаддима”дан кейин бундай сўзларни ёзган эди:

“Бир куни (яп 1937 йилда бўлган воқеа ҳақида бормоқда — Н.К.) эндиғина репетиция бошламоқчи бўлиб турган эдик, ўша даврнинг машҳур актрисаси Маъсума Қориева тўғри Оға хузурига келди-да, ўзини унинг бағрига ташлади. Унинг турмуш ўртоғи ўша замоннинг маъ-

рифатпарварларидан бўлиб, катта идоралардан бирида раҳбар лавозимда ишларди. Маъсума Қориева Босит Қориевнинг ҳам кечаси олиб кетилганини айтди. Маннон Уйғур бироз сукутдан кейин Маъсума Қориевнинг елкасига қўл теккизиб, “дадил бўл” ишорасини қилдилар...”.

Камина қатағон даврининг тарихчиларидан бўлганим учун, ўша куни театр жамоасининг Маъсума опага ҳамдардлик билдираб-билдирмас, ўзларини панага олганларини аниқ тасаввур этаман. Маъсума опаниннг бошига тушган ташвишнинг даҳшатли томони шунда эдики, “халқ душмани”нинг рафиқаси бўлиши аёл, ким эканидан қатъий назар, ё эридан воз келиб, унга маломат тошларини отиши ёки бутун ҳаётини бағишлаган театрдан шармандали равишда ҳайдалиб, бирор ишхонага ишга олинмагани учун ўзини ва мактабдан қувилган икки ўғилчасини тиланчилик билан боқибши лозим эди.

Кўрамизки, ўзбек театрининг афсоналаридан бири Маъсума Қориевнинг фожиалар занжириндан иборат ҳаёти: “Эй шоир ва ёзувчилар, қайдасизлар?!” дея фиғон чекиб турибди. Агар яқин ўтмишга назар ташласак, унлаб Маъсума Қориевалар ва юзлаб Абдувоҳид, Босит ва Боис Қориевларнинг НКВДнинг махфий хоналаридаги темир сандиклар ичидан қора тумхатдан иборат “қатлнома”ларни кўтариб, фарёд чекиб турганларини кўрамиз.

Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчиларнинг фарёдларини эшитган қалам аҳли уларнинг фожиали тақдирини қоғозга туширишга уриндилар. Шуқрулло “Тирик руҳлар” романида тоғаси, машҳур адвокат Убайдулла Хўжаевнинг, “Кафандис қўмилганлар” романида эса асосан ўзининг бошидан кечирганларини тарих учун муҳрлаб қолдирди. Шуҳрат эса “Олтин зангламас” романида китобхонларини ўзининг ва айрим тақдирдошларининг НКВД ва КГБ “сайиллоҳ”ларида кечган муҳим ҳаёти лавҳалари билан таништирди.

Ўзбек адабиёти шу асарлари билан тарих ва келажак олдидаги бурчини бажарди, деб бўлмайди. Ҳали суяклари, Солженициннинг ифодаси билан айтганимизда, “ГУЛАГ” деган архипелагада қолиб кетган ватандошларимиз орасида бадий асарларга қаҳрамон бўла олмаган ва қаҳрамон бўлишлари лозим бўлган кишилар — ота-боболаримиз сон-санокисиз...

Агар ёзувчи Исажон Султон шу муҳим ва нозик мавзуга мурожаат этиб, “Маъсума” романини ёзмағанида ва камина бу романни қўл-ёзма ҳолида ўқиб чиқмаганимда, бу фикрлар, балки мениннг хаёлимга келмаган бўлармиди?!

Тошкент шаҳрининг бош майдонида Мустақиллик байрогининг ҳилпирай бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Шу даврда турилган авлод ўзбек халқининг шу кўнларга қандай машаққатларни енгиш, қандай қўрбонлар бериш ҳисобига етиб келганини яхши тасаввур этмаслиғи аниқ.

Шу ҳол мениннг кўз олдимда бошқа бир манзарани жонлантди буюргандек бўлади. Бу маъсума аёл — ўзбек саҳнасининг юлдузларидан бирининг яшаб, ижод қилиб, азоб-ўқубат чекиб ўтганини бизларга эслатган, қалбимизга унга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини пайванд қилган ва Маъсумоҳоним ҳаётининг сўнгги кўнларини тасвирлаётган вақтида кўз ёшларини идора қила олмаган адиб шаънига самимий дил сўзларини айтиб, ундан миннатдор бўладилар.

Куни кеча Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Маъсума” номли янги романи тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, шунингдек, ушма аъзолари Шуҳрат Сирожиддинов, Баҳодир Қарим, Рустам Мусурмон, Рустам Мирвоҳид романиннг яратилиш босқичлари ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида гапиришди.

Романда жаҳид боболаримизнинг юрт озодлиғи йўлидаги фидойилиғи, ибратли ишлари ҳамда биринчи ўзбек актрисаси Маъсума Қориевнинг фожиали тақдири ҳикоя қилинади. Романда тасвирланган воқеалар — ҳаётда содир бўлган, бадийликка йўғрилган ҳаққоний воқеалардир, дея таъкидланди тақдимотда.

Асарда ўзбек театрининг дунёга келиши, илк саҳна асарлари, миллий театр асосчиларидан Маннон Уйғур, Етим Бобожонов актёрлар Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтураева, Зайнаб Садриева сиймоларини кўриш мумкин.

Ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Адабиёт” нашриётида 3000 нусхада чоп этилди.

Тақдимотда муаллиф романини ёзиш жараёнидаги кечинмалари билан ўртоқлашди ва асар ҳақидаги илқик фикрлар учун миннатдорлик билдирди.

ШОИРНИНГ ТУФИЛИШИ БИРИНЧИ ҲОЛ

Маҳмуд толенни эрка бир танлови дамида шеърят жунуни билан дўстлашди. Қон-қариндош тутинди. Бирга жунун билан шеър ёзди ва айтди.

Қариндошлик, дўстлик то умрининг шу палласигача авж пардаларига кўтарилиб, жўшиб борапти. Ижодкорлик оламларида бу ҳам чинакам феномен, фавкулодда мўъжизавий ҳодиса.

Анча пайтлардан буён Маҳмуд ва унинг шеърияти ҳақида кўнглимда тугиб юрган гапларни бир тартибга солиб айтгим келади. Мана, у кутлуг етмиш ёшига ҳам вазмин қадамлар отиб яқинлашиб бормоқда. Юракда фикр-уй тугунларини айна ечадиган пайт.

— Алё, Маҳмуд, — дейман, — публицистик мақолалар китобларингиз ҳам чиққан бўлиши керак. Менга ўнлаб китобларингизни хурмат изҳори бўлган сўзлар — дастхатлар ёзиб тақдим этгансиз. Лекин публицистик китобларингиз, ижод жараёнлари ҳақидаги мақолаларингиз менда йўқ экан...

Телефонда ўртага жимлик чўқади ва бироздан сўнг Маҳмуднинг дўриллаган овози яна эшитилади:

— Менинг шу пайтгача йигирма бештадан ортиқ китобим чиққан. Публицистик китобларимни сизга етказмаган эканманми? Мендан ўтибди. “Европа саёҳати”, “Янгиланаётган Ўзбекистон” деган публицистик китобларимни сизга етказаман. Шоирлар ҳақида ҳам анча-мунча мақолалар ёзганман. Аввало, Миразиз Ўзған, Аскар Қосимовнинг илк китобларига. Балки ўша пайтларда кўзингиз тушгандир. Матбуотда чиққан. Буни қарангки, сизга ўхшаб ижодимнинг илк нишонларини адабий мақолалардан бошлаган эканман. Шеърлар борасида танқидий мулоҳазалар ҳам билдирганман. Ўртада тортишувлар ҳам бўлган. Университетни битираётган пайтларим эди-да. Университетлар одамни илм билан бойитади... — Маҳмуд одатдагидай гапларини ҳикматоси қилиб, ҳикмат кўшиб айтади. Шеърлари ҳам туп-тус ҳикматга тўла.

Нақд Машраб, гоҳ Яссавий, гоҳ Ҳажим ота, гоҳ Махтумқули саслари янграб туради. Аммо Маҳмуд Тоир ва ҳикмат — бу алоҳида катта мавзу. Мен авваллари Маҳмуднинг ҳикматларини ўзимча жайдари фалсафа деб ўйлардим. Жайдари фалсафа — илмий бўлмаган фалсафа, яъни одамлар, халқ ўртасида кези келганда тилга олинмаган ҳаётий халқона донишмандликлар. Уларни кўпинча нақд ҳаёт, турмушнинг ўзи яратади. Халқ мақоллари, Афлотун ва Сукрот бўлмаса ҳам, жайдари фалсафанинг гултоиши. Маҳмуднинг шеърларида ҳикмат шундай чинакам гултожга айланган ёки айланаётган, жараён чексиз давом этаётган ҳолатлар, мисоллар кўп. Маҳмуд шеъриятида зухурланаётган ҳикматларни у бирон ердан, ё мақоллар китобларидан ё халқ достонларидан олмайдди. Ҳикматлар мақол эмас. Дониш сўзининг бир ёмби шакли. Улар шеърнинг куйилиб келиш жараёнларида шеърнинг ўзи, унинг мавзуси, шеър ёзиш нияти билан бирга туғилади. Улар Маҳмуднинг ўз хаёлинонасида туғилган ва туғилади.

Аслида публицистик китоблар ҳақидаги гапдан кейин Маҳмудга учта ўзим учун аниқлаб олмақчи бўлган савол бермоқчи

эдим. Лекин телефонда бунинг фурсати бўлмади. Менинг кўп гапларим ичимда қолганини сездим, эртасига Маҳмуднинг ўзи йўқлаб келди. Мен беҳад суюниб кетдим. Нима деманг, ҳаёт дид-фаросат ва кўнгил ўқишининг қаҳшони, яъни юлдузлар билан гиж-гиж тўла осмонни. Ичимда Маҳмудга шундай учта саволим бор эди, сиздан ҳам яширмай қўя қоламан, азиз ўқувчан. Яъни:

- Маҳмуд, сизни адабиёт дунёсига ким ва нима етказди?
- Адабиёт дунёсига кимга эргашдингиз?
- Сизни адабиётчи бўлишга нима турткилади?

Маҳмудни шоир, адабиётчи сифатида яхши таниб олай деяман-да. Маҳ-

Иброҳим ҒАҒУРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

БЎСТОНЛАР АРО ИНСОН

муд саволларимни эшитиб жилмайиб кўйдим. Ичида: “Иброҳим акам барбир танқидчи-да” деб кўйдимкин? Аммо саволларимга худди мақола ёзаётгандай лўнда-лўнда жавоб берди. Болалик пайтлари, университетда таҳсил олган йиллари ҳақида. Ҳарбий хизматни ўтаган, яна таҳсилни давом эттириб, нашриётларда экспедиторлик қилган замонларини ҳикоя қилди. Орада:

— Маҳмуд, таржимаи ҳолингизни ёзганимиз? — деб сўрадим унинг қизқарли ҳикоясини тинглаб ўтириб. “Йўқ, — деди Маҳмуд. — Вақт ёмон совурилиб кетадиган раҳмсиз нарса экан... — деди у хўрсиниб, — ёзадиган нарсалар жуда кўп. Лекин вақт етказиб бўлмайди...”

Мен Маҳмуд Тоирнинг кенг қамровли ижоди ҳақида ўйлаганда, унинг ижодига, айниқса, икки зотнинг таъсири жуда кучли бўлган, деб чамалаб юрардим. Ва уларга ҳавасим келарди. Биринчиси, Маҳмуднинг университетдаги домласи ва раҳбари, атоқли олим Озод Шарафиддинов. Иккинчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, улуг шоир Абдулла Орипов. Озод Шарафиддинов университет талабаларида ижодий куртакларни худди баҳор шабадасидай очарди. Эркин Воҳидовдан Абдулла Ориповгача, жуда кўп ижодкор ёшлар тақдирида бунга гувоҳликлар сероб. Маҳмуд ҳам Озод домланинг назарига тушди. Озод домла унинг манглайда адабиётчиликнинг лаёқатини сергак ўқди. Унга Миртемирнинг машхур “Излаганим” китоби бўйича битирув диплом иши ёзишни таклиф қилди. Маҳмуд бу ажойиб китобни ўқиган ва доим ёнида олиб юрар, ухласа ёстигининг ёнига қўяр, қачон уйқудан кўз очса, яна буюк устознинг шеърлари ичига шўнгирди. У “Излаганим”ни ёдлаб олди. Завқ-шавақ билан илк ижодий ишини ёзиб битирди. Зафарли ёқловдан сўнг эртасига Озод домла Маҳмудни учратиб, унга бир китобчани тутқизди. Бу Миразиз Ўзғаннинг ўша пайтлар овоза бўлган “Севаман” деган китоби эди. “Севаман” Маҳмудни ўзига ром қилди. Китобчадан инсон ғайрати ва ихлоси ёғилиб турарди. Маҳмуд тўлқинланиб бу китобга тақриз ёзди. Мақола матбуотда чиқди. Тилга тушди. У Миразизнинг

ҳам диққат-эътиборини тортиди. Навқирон ўғлонлар танишиб олдилар.

Ҳақиқатан, ўша пайтлар “Излаганим”, “Севаман”, “99 миниатюра”. “Сизга айтар сўзим”, “Мен сув ичган дарёлар”, “Йиллар армони”, “Ёшлик девони” сингари яхлит китоблар шеъриятда одамлар учун том маънода йўлчи юлдуз бўлган, ижтимоий-сиёсий қоронғуликларни ёритган, миллат хаёлини истиқлол орзуси билан тўлдирган, ёндирган эдилар. Озод Шарафиддинов Маҳмуд Тоир ижодини қизиктириб кузатиб борди. Маҳмуднинг китобига сўз, мақола ёзди, шоирга доим далда берди. Олим шоирнинг “Отамнинг ўкинчи” деган эҳтирос ва инсоний фарзандлик дарди билан ёзилган достонига сўз ёзди ва унда куйидаги фикрни ҳам айтиб ўтди: “Бирин-кетин чоп этилган шеърий тўпламлари, “Ҳақни таниб”, “Сайланма” каби китоблари бугунги шеърятимизда ўз ўрнини эгалла-

Бундай дард билан айтилган бағирдор шеърлар тизимлари, шубҳасиз, Маҳмуд Тоирни катта шоир даражасига, Мирзо айтмоқчи, “...мақомига” олиб чиққани аниқ. Бундай шеърларни ўз даврони етиб Машраб, Яссавий, Ҳажим ота, Хувайдо, Фурқат, Ҳамид Олимжонларни ёд билган ва кўнгил оламларини мана шундай шеъриятда созлаган шоир айтаётганлиги бежиз эмасдир. Маҳмуд бу мақомга буюк инсоний интилишлар, покланишлар, Арастуча айтсак, катарсисларда эришди. Мен боғина Маҳмуднинг ижодкор сифатида вояга етишида кучли таъсир кўрсатган икки адибга ҳавас қилишимни эслатдим. Озод ака ҳам, Абдулла Орипов ҳам бағоят бу томондан бахтли



Ўзгаришларни мағзи-мағзига кириб, уларнинг нихоятда характерли хусусиятларини жонли-ҳаётий ифодалаб берди. Маҳмуднинг истиқлолчилик ва ислохотчилик руҳидаги муҳокамалари, энг аввало, ишонarli эканлиги ва муаллиф уларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиб чиққанлиги билан ўзига жалб қилади.

Ёзувчи асарининг мафтуноклиги муаллифнинг ўз материални теран билиши, англаши, изоҳлаши билан белгиланади. Маҳмуднинг “Янгиланаётган Ўзбекистон” деб номланган публицистик асарлари жамланган китоби ислохот — истиқлол масала-муаммоларини чуқур билиши ва англаши билан ўзига тортади. У Президентимизнинг турли чиқишларида жуда ёрқин муносабатлар билдиради. Унинг Президентимизнинг Тошкент вилоятида ўтказган учрашувларида сўзлаган маърузаларидан чуқур таъсирланиб, давлат раҳбарига йўллаган хати ўз актуаллиги билан жамоатчиликнинг эътиборини тортиди (“Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 26 март). Хатда Президентимиз кўтарган ранг-баранг ижтимоий-сиёсий масалаларнинг янги қирралари очилгани кўзга ташланди ва ислохотчиларнинг диққатини тортиди.

Устоз деган тушунча ҳақида фикрлаганда кўз ўнгимдан адабиётимизнинг ёрқин мазмундор фактлари сира кетмайди. Мен бу фусункор сиймоларни Орипов таълимини юксак даражада ижодий суратда олиб, истиқлол даври адабиётимизнинг аортаси ўтган, юрак аортаси сўз, образ, фикр, гўзал туйғуларнинг истиқлоли деб биламан. Улар истиқлолнинг ўқ марказида ижод қиладиган миллий кашфиётчиларимиздирлар. Ўзимни бу эҳтиросли ижодкорлар ижодиёти олдида адабий танқидчи сифатида қарздор деб ҳисоблайман. Мен булар ижодининг таҳлиллари, талқинлари ичида уларнинг бадийий нафосат ва бадийий таълим усулларини ёзиб дунёга намоён қилишим керак эди, деб ҳисоблайман. Худди шунингдек, Чўлпон, Фитрат буюк ижодиётлари олдида ҳам қарзимиз жуда кўп ва туганмас. Замондош шоирларимиздан етмиш ёшнинг табаррук остонасига қўтарилган изчил журналист, шоир, азиз дўстим Ўткир Раҳматнинг менга илиқ сўзлар ёзиб тақдим этган китоблари олдида ҳам ўзимни қарздор санайман. Ўткир шеърый тафаккури жуда ўзига хос шоир. Унинг шеърый фикри тағидига маънолар ва уларнинг турфа товналишларига етиб бориш осон эмас. Матбуотда бир қанча дўстона ёзилган тақрирлар, мақолаларни ўқидим. Аммо уларда унинг ўзига хос, ҳар ким ҳам дарҳол англаб етавермайдиган инжа тафаккурини ўқиб ололмадим. Мен мақолалар ва ранг-баранг жанрлардаги асарлар, китобларни, ростини айтсам, миямни интенсивлаштириш, унинг ҳати очилмай кўриқ бўлиб ётган қаватларини очиб ниятида интизорлик билан мутолаа қиламан. Бўлмаса, бебаҳо олтидан ҳам қиммат вақтларни уруф кўкармайдиган ерга сочишдан нима маъно чиқади. Агар Маҳмудга ўхшаб ҳикмат билан сўйламоқчи бўлсам, вақтни бой бериш бизга инъом этилган такрори йўқ ҳаётни бой бериш билан баробар дер эдим. Аммо менда ҳикматосилликка хуш, иштиёқ йўқ бўлса керак. Шунинг учун ҳикматли сўз айтадиганларга, кишиларни тўхтамай имон эзгулигига қақиради-ганларга жуда ҳавасим келади. Ва эътироф этайки, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддиновларнинг шундай шоғирдлари адабиётимизни тибратётганликлари, бадийий фикр ва дид-фаросат ўсишига хизмат қиладиганликларидан кўнглим, ростини десам, худди Маҳмуднинг кўнглида ўсади. Ростдан, Маҳмуд Тоир кўнгил шоири. Балки бу фикрни кимдир айтгандир. Аммо мен ҳам уни жуда тақдорлагим келади ва яна шуни ҳам қўшимча қилишни истаймани, Маҳмуд Тоир истиқлол руҳи билан қонган “Ҳақни таниб”, “Сайланма”, “Мендан мени сўрама”, “Бедорларга беринг дунёни”, “Ватан не деб сўрганларга”, “Сўз саодати”, “Уйғоқ дил” сингари жонга, дилга, кўнглига, имонга, ҳамият ва номус-орга яқин ва ушбу улуг ахлоқий, илоҳий тушунчаларга чамбарчас оғушта китоблари билан юракларимиз, маънавий оламларимиздан жой олган. Маҳмуд Тоир “Бедорларга беринг дунёни” дейди, “Мендан мени сўрама” дейди. Гулдираб қақмоқдек шеър, байт айтади. Ёваллоҳи! Маҳмуддан Маҳмудни сўрамасак, кимдан сўраймиз.

ди”. Озод домла шу ерда достондан ўзига гоёят ёққан бир бандни мисол келтирди:

Ахир, Оллоҳ отани Осмон қилиб яратган, Жаннатдан чиққан гугла Бобгон қилиб яратган.

Буларни, албатта, Маҳмуд шоирнинг шоҳ сатрлари деб ҳам аташ мумкин. Маҳмуд ота-она азизликлари таърифларида Абдулла Орипов изидан бориб, Ҳажим ота ҳазратларининг “Отанг парвардигорингдир” деган мўъжиза сўзлари қаторида туришга лойиқ қурч мазмундор сатрларни дунёга келтирди. Аммо Маҳмуднинг сатрлари ҳаётнинг ўзидан, шоирнинг шахсий тажрибасидан бунёд бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтайлик. Шу гапларни эслаб ўтарканмиз, ҳозир Озод домланинг “ўз ўрнини эгаллади” деган ҳаққоний иборасига эътибор қилгимиз келади.

Маҳмуд адабиётда ўз ўрнини эгаллаш учун қанчалаб машаққатли ҳаёт мактабларини босиб ўтди. Нимага эришган бўлса, худо берган пешонаси билан эришди. Аммо адабий воқелик учун яна шуниси ҳам эътиборлики, Озод домланинг адабиётдаги ўрин ҳақидаги эътирофи бизнинг кўнларимизда шоир Мирзо Кенжабекнинг “Маҳмуд Тоир ўзбек шеъриятида ўз ўрни, ўз маънавий мақомига эга бўлган халқ шоири” деган сўзлари билан мўътабар тасдиқ ва ҳамоҳанглик топди. Мирзо Кенжабек бу сўзларини Маҳмуд Тоирнинг “Сўз саодати” китобига ёзган дебочасида қайд этиб ўтди. Мирзо Кенжабек чин ҳикматпараст шоир сифатида Маҳмуднинг ҳикматли шеърларига астойдил тўхтагани, уларни қадим ҳикматпарастликлар билан чоғиштирди, Абу Бакр Варроқнинг “Ҳикмат барча ишларнинг энг тўғри ҳукмларидир, ҳикмат эҳтиёжга яраша сўз айтмоқдир” деган олтинга тортиб олса эрийдиган фикрини келтирди ва Маҳмуднинг ўзи тан берган бир қанча турткиларини мисол кўрсатди, чунончи:

Сиз ойга осилманг, нарвонингиз йўқ, Кўёшга кўл чўзмаг, давронингиз йўқ, Юлдузлар узоқда, етмайсиз, аниқ, Чунки қалбингизда осмонингиз йўқ.

ҲУЖЖАТЛИ ЭКРАН ҲАҚИҚАТЛАРИ

Абдулла Қаҳҳор айтганидек: “Адабиётда ҳеч қачон биров биронинг ўрнини эгаллай олмайдди”. Ана шу тарихий адолатни тиклаш мақсадида яратилган “Абдулла Қодирий” ҳужжатли фильми 2021 йили суратга олинган. Умид Ҳамдамов режиссёрлигида яратилган ушбу асарни бадийий-ҳужжатли фильм дейишга ҳақлимас. Бошқа ҳужжатли асарлардан фарқли уларок, унда қуруқ тарихий фактлар ҳамда воқеалар таъсири билангина чекланиб қолмаган. Абдулла Қодирийнинг ҳаёт ҳаёти, адиб яшаган муҳит, жамият, ундаги инсонлар аҳоли таъсирли даражада кўрсатиб берилган. Бунда Абдулла Қодирий образи идеал қаҳрамон сифатида эмас, борица ёритилган.

Асарнинг сюжет чизиги Янги йил кириб келиши тантанаси билан бошланади. 1937 йил... Лекин бу сана қонли саҳифаларга муҳрланишини ким ўйлабди, дейсиз? Кадрлар эски тузумга ишора қилувчи хароба хонага кўчади. Хароба хонани рамзий маънода жамият, қулаган тузум деб қарайдиган бўлсак, бу хонадаги ҳар бир буюмининг ўз маъноси борлигини сезгандай бўласиз. Тартибсиз тўзғиб ётган буюмлар ичида кўзингиз СССР герби ва унга ёнма-ён ҳаво тозаловчи мослама(противаэзага) тушади. Шунинг ўзиёқ улкан “қироллик” да кир, биқич, носоғлом ҳаёт, хавфли муҳит мавжудлигини, занглаган болта тўккан қонлар ранги байроқча кўчганини, инсон эрки бу ерда бор-йўғи ўйинчоққа айланганини аңлатади. Аммо зулим қанча кўп бўлса, умри шунча қисқа. Тўхтаган соатни

вақтнинг ўзи чиқиндига айлантириб қўяди, “Все для фронта, все для победы” каби сохта қаҳирқиларни ҳам кераксиз портрет каби хона бурчагига улқотиради. Бироқ йўқотишлар яраси доим азоб бераверади. Минорайи калондан хилпиратилган мустамлақачи байроғи бутун миллат маданиятино динига чанг сола бошлайди, энди кўзалар бўзғиғача тўлган, алвон сулар оқизиб кетаётган дўппиларга муносиб бошни ҳам топиш қийин. Миллат дўпписини ўзи улқотирар экан, ўз бошидан ўзи ваз кечаётганини сезганмикан?

Мана шундай ўринлар фильмда тарихий манбалар яхши ўрганилганидан, замонга хос буюмлар, кийимлар ва умумий муҳит яхши жонлантирилганидан далолат беради. Ҳужжатли фильмдаги кадрлар алмашинуви тарих ва хотиранинг бир-бирига ўргимчак тўри каби улаиб кетганига ишора. Улар узвий боғлиқ, ипларни узиш бутун тарихдан воз кечишдек гап.

Ҳужжатли фильмда Абдулла Қодирийнинг болалик йиллари, бобоси билан боғлиқ хотиралар, турли жанг ўринлари бугунги кунда кинематографиянинг асосий соҳаларидан бири бўлиб келаётган анимация шаклида ёритилган. Бу эса фильмининг ҳақиқат мантиғидан четга чиқмаган ҳолда, экранда ажойиб саҳналарни тақдим этишга имкон бера олган. Айниқса, ўрик гулларининг учинчи воқеликка ўзгача оҳанг бағишлаган.

Фильмининг ютуқларидан яна бири актёрларнинг тўғри танланганидир. Бутун воқеа унинг атрофида

айланувчи ровий — Эркин Бозоров, Абдулла Қодирий ролидаги Эрёлбек Отабоев, Калвак махсум ва Тошпўлат тажанг образини ёритган Пулат Норматовларнинг маҳорати таҳсинга сазовор. Айниқса, Калвак махсум ва Тошпўлат тажанг эпизодлари эътиборини тортади, юз қиёфаси, кўл ҳаракатлари, овоз ритми яратилган образга жуда мос тушган. Аммо актёрлар монологуларининг баъзи ўринларида Тошкент шеваси сезилиб қолиши, қолаверса, Қодирийнинг мақолалари экранда ёзув орқали тасвирланаётганда сўзлардаги баъзи имло хатолари зийрак томошабиннинг эътиборидан четда қолмаслиги аниқ.

Фильмда Абдулла Қодирий атрофида панжара ва симтўрлар тасвири бор. Панжара адибнинг ижоди ва ҳаётдаги, қолаверса, бутун бир сийёсатдаги эрк-сизликни ифодаласа, Қодирий ижодхонасини ўраган симтўр ижоди ва ўзини сийёсат таъсиридан ҳимоя қилиш учун қурилган деворга ўхшайди. Симтўрдан қурилган девор атроф-муҳитни кузатиш имконини берди, аммо бу симлар унинг ижоди ва умрига даҳл қилишларидан ҳимоя қила олмади. Афсус...

“Тарихни билмаган киши ўтмишдаги хатони қайтаришга мажбурдир”, деган эди Цицерон. “Абдулла Қодирий” ҳужжатли фильми тарихни ўргатиш борабариди, бугунимизга ҳам кўзгу тутта олди.



Ҳолида МУСУРМОНОВА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Марказ томонидан АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларида зардўзлик маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Қурғазма ва ярмаркаларда 2021 йилда яратилган зардўзлик маҳсулотларини намойиш этиш ва сотиш орқали 150 миң АҚШ доллари миқдорда даромад кўрилган. Ушбу марказда зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларнинг намойиши йўлга қўйилган

ВАТАН ДОВРУҒИНИ ТАРАТИБ



бўлиб, зардўзликнинг қадимий нусхалари қайта тикланмоқда.

Халқаро фестивалда Бухорога “Бутун-жаҳон хунармандлар шаҳри” мақоми берил-

гани расман эълон қилинди. Вазирлар Мақамасининг қарорига кўра, 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта — май ойида Бухоро шаҳрида Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивалини ташкил этиш белги-ланган эди. Шунга кўра, фестиваль кунларида Бухоро шаҳрида Бухоро вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбек миллий мақом санъати маркази томонидан Ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” республика фестивали ташкил этилди. Тад-

бирда 30 ёшгача бўлган яқка ижрочилар ҳамда ижодий жамоалар иккита шарт (чолғу ва ашула йўналишлари) бўйича ижодий беллашди.

Тадбир сўнгига фестиваль гоилиблари тақдирланди. Фестивалда фолл иштирок этган зардўз, заргар ва каштадўз хунармандлар муносиб тақдирландилар. Байрам дастурида миллий кўшиқ ва рақсларимиз билан бирга, хорижий тилларда ҳам кўшиқлар янгради. Хорижлик меҳмонларга Бухоро зардўз дўппилари совға қилинди. Моҳир зардўз, “Шуҳрат” медали соҳибни Бахшилло Жумамов “Энг яхши зардўзчилик ташкилоти” номинацияси бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

Наргиза ҲАМРОҚУЛОВА

Галерея:

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси ва Тожикистон Рассомлар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди. Шу муносабат билан Тошкент Фотосуратлар уйида "Тожикистон рассомлари кўргазмаси" очилди. Унда қардош тожикистонлик қирқ нафар ижодкорнинг юздан ортиқ рангтабир асарлари намойиш этилмоқда.



Сиројиддин Жўраонов. "Рометда баҳор" (2021).



Эраж Олимов. "Опа-сингиллар" (2021).



Зиёратшо Довудов. "Сув – ҳаёт манбаи" (2019).

ЁШЛАР ОВОЗИ



Менда ишқин олган тан
Ва яширган кўзлар бор.
Шиддатли овоз билан
Сукут қилган сўзлар бор.

Йўқлик бор менда.
Яна...
Тутилмаган кўллар бор.
Бекат бир манзилларда,
Кесишмаган йўллар бор.

Армон эмас, кўзимга
Ёш тўлдирган губордир.
Менда мен йўқ,
менда бир
У бор фақат.
У бордир...

Бори — йўқлик,
Кўли кам,
Ками кўп сарой —
Кўнглим,

Кузаклар келиб аста,
Ҳордиқ олар жой —
Кўнглим,

Аҳволимга ачинма,
Кетсам,
Нима қилар деб,

Сен ўқинма,
Сенсиз ҳам,
Йўқотишга бой
Кўнглим!

ХАВОТИР

Титранди бўғимда бир онт,
Умидини тинмас совириб,
Еллар билан югурдим, ҳайхот,
Босилмади юрак ҳовури.

Куйвердим куйгандан куйиб,
Дарёларга чўкиб йиғладим.
Дардларимни
(Моцартни куйиб),
Майсаларга тўкиб йиғладим.

Ёшиқ очдинг,
Бердингми рухсат?
Недан ҳижрон кишан ечдийкин,
Яшолмасдинг, ахир, бир фурсат,

Менсиз ҳолинг нима кечдийкин...

ИККИМИЗ ЖИМ

Қалам синган,
Шўрлик қоғоз яна гижим.
Сен ёзмайсан,
Мен ёзмайман,
Иккимиз жим.

Оғир сукут,
Оғир хаёл,
Оғир кечим.
Сен ёзмайсан,
Мен ёзмайман,
Иккимиз жим.

Оқшом ойсиз,
Тун ёғдусиз қорайди тим,
Сен ёзмайсан,
Мен ёзмайман,
Иккимиз жим.

Муаммога
фақат гурур бўлди ечим.
Сен ёзмайсан,
Мен ёзмайман,
Иккимиз жим.

Энди ошиқ атайдилар
Бизларни ким?!
Сен ёзмайсан,
Мен ёзмайман,
Иккимиз жим.

Оғир сукут,
Оғир хаёл,
Оғир кечим...

Нигора МУҲАММАД,
Наманган давлат университети
талабаси

1 июнь ~ Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

МОВИЙ ОСМОН, ЗИЛОЛ СОЙ

Альфредо ВАЛЛИНИ
Аргентина

Маза қилиб шодланар
Болажонлар тинимсиз.

Мажнунтол хонишидан
Бинафша масрур,
Бундай дамлар ёдингда
Қолар бир умр!

Сувда қалқар нилуфар,
Сузолмай ҳалак.
Нигоҳларим парвозда
Мисли капалак!

Ҳалфдан РАССМУССЕН
Дания

МИТТИ ОДАМЧА

Қадим-қадим замонда,
Бир мамлакат томонда
Сичқонча билан ҳамдам,
Яшаркан митти одам.
Баъзан қўшиқ айтаришим,
Уй ёнида икковлон.
Оҳангидан сой тошиб,
Садо бераримш ўрмон.
Икки митти айвонда,
Қўшиқ куйлар бўлиб жўр.
Жимитгина бўлса ҳам,
Қушиги ажаботвор.

Рус тилидан Нуруллоҳ ОСТОН
таржималари.

Леннарт ХЕЛЬСИНГ
Швеция

ЁЗ САЛТАНАТИ

Сарин еллар елади,
Еру фалақда.
Турфа ранглар акс этар
Найкамақда.

ЧЕЧАКЛАРГА БУРКАНГАН,

Замин зангор, ол.
Келди Ёз Салтанати,
Мен унда қирол!

Генри ЛОНГФЕЛЛО
АҚШ

ЗАРРИН ШАФАҚ

Нақадар зарҳал осмон,
Аксидан денгиз алвон.
Ястангандир тасмадай
Қирғоқда яшил ўрмон.

Қоялар парку булут,
Булутлар қоя мисол.
Ўртасида бир кема,
Еру кўкдаги тинсол.

Денгиз осмонга ўхшар,
Осмон денгиздай алвон.
Тасаввуримда гўё
Қоришган еру осмон.

Роберт Луис СТИВЕНСОН
Англия

АРҒИМЧОҚ

Бир баландга, бир пастга
Парвоз қилар кўнимсиз.



ҚАЛЬДА ОРЗУЛАР ЖАРАНГИ

Кунни кеча пойтахтнинг Миробод туманидаги 154-умумтаълим мактабида

сўнги кўнгирак тантаналари ўзгача ўтди. Ота-оналар фарзандларининг бўйларига,



қошу кўзларига қараб, келажак режаларини тинглаб, уларни илк бора жажжи қўлларидан тутиб мактабга бошлаб келган онларни эслашган бўлса, ажаб эмас.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг битирувчиларга йўлаган табриги нафақат ўқувчиларимизни, балки биз ўқитувчиларни ҳам чуқур ҳаяжонга солди, — дейди мактаб ди-

ректори Насиба Мирсоатова. — Мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ҳар бир ўғил-қиз устозларнинг келажакка ташлаган дадил қадамларидир. Бугун она юртимиз улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўз олдига аниқ мақсад қўйган ёшларнинг кўзлаган мақсадига эришиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан мактаб кутубхонасига тўхфа этилган китоблар жамланмасини ўқувчилар катта қувонч билан қабул қилишди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Янги Ўзбекистон" газетаси катта муҳбири Мухтасар Тожимаматова илм масканидаги бу қизгин тадбир иштирокчиларини кутлаб, ўз шёърларидан ўқиб берди.

Зоҳида УМРЗОҚОВА,
талаба

Компьютер клавиатурасидаги тиниш белгиларига қараб ўйланиб қолсан киши. Матн тераётганда жумла ўз-ўзидан вергулдан сўнг кичик, нуқтадан сўнг бош ҳарф билан ёзилаверади. Инсон тафаккури шундай техник мўъжизаларни яратиб қўйган замонда самолётга, ҳатто поездга чиқиб кўрмаган одамлар ҳам бор-а?! Бу ҳам майли. Бир сафар кўпқаватли бинодаги ижара уйимизга қишлоқдан меҳмон келди.

САККИЗИНЧИ ҚАВАТНИНГ ҲОВЛИСИ

Ҳамқишлоғим кутилмаганда аёлидан: "Умрингда энг баланди — нечанчи қаватга чиққансан?", деб сўради. У: "Мақтабимиз икки қаватли эди", деган эди, "Ана, кўрдингми, менинг шарофатим билан саккизинчи қаватга чиқдинг. Қадримга ет", деб ҳазиллашди. Ҳаммасидан қизиғи, бошланғич синфда ўқийдиган ўғли: "Э, бу уйнинг ҳовлиси қани?", деб сўради. Латифанамо бу ҳолат мени жиддий ўйга толдирди.

Шундай паллалар бўладик, тасодифан элнинг қорига яраган, дондор қишлоқдошининг танийдиган етти ёт бегонага ўз қишлоғинг, маҳалладошларинг билан фахрлангинг, мақтангинг келиб қолади. Ана шундай ардоқли шахснинг зурриёди шу пайт ёнингда бўлиб қолса-ку, берди Худо. Дарров: "Мана, ўша кишининг фарзанди!", деб хитоб қилганингни билмай қоласан, киши. Ҳатто ундан муқаррар мақтовми, эътирофми кута бошлайсан. Нотаниш суҳбатдошинг эса кутилмаганда: "Ай, аттан-а, шундай тўл қолдиргунча, ёшлигингда ўлатдан ўлсанг бўлмасмиди, Фалончи?!", деса қандай аҳволга тушасиз? Афсуски, ҳаётда ана шундай — на йиғлаш, на кулишни биладиган воқеаларга ҳам гувоҳ бўлдик.

Шу ўринда бир қиёс. Айтайлик, чет эллик бир мутахассис ахборот технологиялари дастурини ишлаб чиқиб, интеллектуал салоҳиятидан фойдаланиб, дунёдаги қанчадан-қанча фирма ва савдо ташкилотлари фаолиятини сифатли ташкил этишга кўмаклашиб, миллиард долларлаб пул топмоқда. Бироқ олтимиш ёшни қоралаб қолибдию оила, бола-чақа қилиш ҳаёлида йўқ. Менинг ўн фарзандли шерободлик танишим бор, неваралари эллиқдан ортиқ. Ўзи жуда соддадил. Дехқончилик ва чорвачиликни қойиллатади. Лекин кимдир кўнгирак қилса, чечамиз ўшакни кўтариб гаплашадиган қилиб бермас, у киши оддий телефондан ҳам фойдаланолмайди. Қизиқиши йўқ ё чин дилдан урганишни хоҳламайди. Эҳтимол, гурури йўл қўймас ё шунчаки соддадилликми бу? Энди ўзингиз айтинг, ким олдинда?

Одатда, ҳар бир инсонда қатъий ўзгармас фикрлар бўлади. Принципиал қарашлар том маънода шахсни ижобий ва ижодий ҳаракатлантирувчи

қучдир. Аксарият ҳолларда фикридан собит одамларни ўз билганидан қолмайдиган инжиқ, ўзгаримш ва ўзгартиришни истамайдиган феъл-атвор эгалари, деб ҳисоблаймиз. Аслида-чи? Эсимда, 1998 йили касалхонада ётган укамни кўришга бордик. Ҳамма нарса бор, фақат у ҳеч нарсага қизиқмас эди. Бу мени ташвишга солар, ҳавотирлантиради. Нимадир қилиш кераклигини англадим. Укамнинг кўнглини кўтариб, орзу-ҳавасларини кўзгага уриндим. Ҳазил-хузул қилиб, гап орасида турмуш тарзим, қилаётган ва режалаштирган ишларим ҳақида гапирдим. Унинг кўзи бир нурлангандай бўлди.

Укам мен билан Тошкентга поездда келган эди. Поезд ҳожатхонасига кириб, кўлини ювгач, сувни ўчирилмай жумракни устидан ура бошлади. Жумрак тагидаги темирчани босиб сувни учиргандим, у менга қараб бир чиройли кулди. Тошкентни айланиб юрганимизда ҳам пешона терини артаётган африкаликни диққат билан кузатиб турди-да, артинган рўмолчаси қорайиб қолмаганига ажабланди.

Имлоси хунуқлигини кейин билдим. Касалхонада неча марта ташқарига чиққанини ёзиш кераклигини айтгандим, "майли" дедим, кўзини олиб қочди. Нега мен бунга илғамдим-а? Унинг энг катта орзуси — спорт кийими кийиш, самолётда учиб, фарзандли бўлиш экан. Мен укамнинг ҳаётини сақлаб қолиш, даволатиш ташвишлари билан ўз ёғимда қоврилиб, унинг ҳам ўз орзу-армонлари ташвишлари билан ўз ёғимда қоврилиб, унинг ҳам ўз орзу-армонлари борлиги ҳақида ўйлаб кўрмабман. Вафот этганини эшитганимда, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди...

Хулоса қилиб айтганда, шунчаки кулгили ё изтиробли туюлган воқеа-ҳодисалар замирида аслида улкан ижтимоий аҳамиятга молик заворли муаммолар ётади. У бизга одатдаги соддалик, ўжарлик, жайдари гурури ё уринсиз ифтихор сингари омилиқ қиёфасида намоён бўлади. Илм-фан, маърифат ҳар қандай оғриқли муаммога ечимлигини унутмаслик лозим.

Қаюм БОЙМИРОВ,
педагогика фанлари номзоди



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:

akfa

Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахриратга келган кўғезмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Набатчи муҳаррир: Ҳумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1117. Буюртма Г - 544.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2303-614X
9 772303 614000